



ISBN 978-9943-6503-5-0

9 789943 650350



Сарвиноз Самадова

МАЪНАВИЙ –
МАЪРИФИЙ
ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**
Бухоро давлат университети

Сарвиноз Самадова

**МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

(ўқув-услубий қўлланма)

**“Дурдана” нашриёти
Бухоро – 2020**

УЎК 378.016:17.022.1

87.60

С 28

Самадова, Сарвиноз.

Маънавий – маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари [Матн] : ўқув-услубий қўлланма / Сарвиноз Самадова. - Бухоро : "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdonashriyoti, 2020. - 96 б.

КБК 87.60

74.58

Ушбу ўқув-услубий қўлланма бакалавр таълим босқичи Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган “Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси” фанининг узлуксиз таълим тизимида маънавий-маърифий тарбиянинг роли, маънавий-маърифий тадбирлар, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш вазифалари мавзуларини ўқитишда қўллаш мақсадида яратилди.

Масъул муҳаррир:

М.Ҳ.Маҳмудов, педагогика фанлари доктори, проф.

Тақризчилар:

Б.Б.Маъмуроев, педагогика фанлари доктори, проф.

Ф.М.Қосимов, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Н.Н.Тешаев, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ушбу ўқув услубий қўлланма Бухоро давлат университети ўқув методик кенгашининг 2020 йил 27 майдаги 7-сонли йиғилишида мухокама қилиниб нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-6503-5-0

КИРИШ

“Маънавий – маърифий ишлар” тушунчаси Ўзбекистонда сиёсий, фундаментал ва амалий аҳамият касб этади. Унда ижтимоий маънавий ҳаётни илмий ўрганиш, давлат сиёсатини амалга оширишда, ислоҳотлар механизмини белгилаш учун фойдали жуда катта амалий имкониятлар мавжуд. Олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлар тизими миллий давлатчилигимизнинг стратегик мақсадларига хизмат қиласди. Миллий ва жаҳон мамлакатлари маданиятидан хабардор бўлган Ўзбекистон ёшлари Шарқ ва Фарб цивилизациялари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга тайёрлаб борилади. Бундай фазилатларнинг шакллантирилиши умуммиллий бирликни яратишга ёрдам беради. Яъни, диний эътиқодлар, тиллар, анъаналардаги фарқлар инсонларни ягона мамлакат, унинг тақдири, бугунги муаммоларини ҳал этиш ва келажаги буюк давлат бунёд этиш каби умумий мақсад йўлида бирлаштиради. Бу эса педагогика фанининг мамлакатда нафақат талаба ёшлар, балки бутун жамиятни маънавий янгилаш, одамлар тафаккурини ўзгартиришга қаратилган ижтимоий педагогик зарурат сифатида ижтимоий сиёсий қимматга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни ва мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;
- маънавиятнинг, миллий ғоянинг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;
- давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш;
- бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;
- маънавий-маърифий ишлар ва мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий мухитни ҳисобга олиш;

- маънавий-маърифий ишлар ва мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик ва мажлисбозлик кўринишларига бархам бериш;

- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этишдан иборат.

Таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш маънавий-маърифий ишларни тўғри ташкиллаштириш билан бевосита боғлиқ.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш – ҳар бир шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён бўлиб, инсоннинг жамиятда яшашини таъминлаш учун зарур бўлган ахлоқий-жисмоний, бадиий-эстетик ва ахлоқий маънавий хусусиятларни таркиб топтиришга йўналтирилган чора тадбирлар мажмуидир. Маънавий-маърифий ишлар ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг умуман жамиятнинг ҳар бир аъзосининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунликга юз тутади ва охир оқибатда инқирозга маҳкум бўлади. Маънавий маърифий ишлар етарлича олиб борилмаса маънавий таҳдидларга йўл очилади.

Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳам ижтимоий сиёсий, ижтимоий-педагогик жиҳатларига эга. Масаланинг ижтимоий – сиёсий жиҳати Республикаизда кенг амалга оширилаётган Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳалқнинг миллий тафаккурини ривожлантириш, буюк давлатни барпо этиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш ва бунинг учун маънавият ва маърифатни такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришга эҳтиёж келиб чиқди. Маънавий ва маърифий ишлар тушунчаси кенг қамровлидир. У ўз йўналишига кўра комил инсонни тарбиялаш мақсадини қўяр экан, бу вазифани адо этиш мураккаб ва чуқур мазмунли вазифаларни бажаришни талаб қиласди.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, миллий ғоя ва мафкурани, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек ҳалқининг буюк давлат барпо этиш тўғрисидаги мақсад-

муддаоларини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг муайян тизими ва устувор йўналишлари бор. Бунда жамият хаётининг барча соҳаларини қамраб олиши таълим тарбия, тарғибот ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланишини тақозо этади. Таълим ва тарбия бериш жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири мuloқot ҳисобланади, чунки инсон қалби ва онгига шаклланадиган руҳий қараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидения, газета, журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда шуни айтиш мумкинки, юзма-юз келадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи-кўзига қараб туриб айтиладиган бамани сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни бекиёс.

Педагоглардан аввало тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишонч ва бошқалар талаб қилинади. Ўқитувчилар ўзида мавжуд билим, тушунча ғояларни асос қилиб олган ҳолда, ёшлар онгига мустаҳкам эътиқодни шакллантиради. Бунда у мuloқotнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан монолог, диалог, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланади, айнан ана шу фаолият ҳар бир ўқитувчи, таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини нутқ маҳоратини эгаллашини талаб қиласди. Сўзловчи нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланиши керак. Ҳиссий таъсир усуллари ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика кабилар ҳам таъсирини кучайтирувчи психологик механизмлар эканлигини унутмаслик керак.

Маънавий - маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб вазифага айланмаган. Маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани, мафкуравий таҳдид ва ахборот хуружлари кўпайиб бораётгани, одамлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги кураш жараёнлари кучайгани учун ҳаётининг барча жабҳалари, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари, аҳолининг ҳамма қатламлари орасида маънавий - маърифий ва мафкуравий соҳада жадал ишларни амалга ошириш тарғиботчи олдидағи энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маънавий - маърифий ва мафкуравий тарғибот

ишлари қандай дастур ва йўналиш, қайси кўрсатма ва қўлланма, қанақа режа асосида, қай савияда, кимлар тарафидан олиб борилаётгани ғоят муҳим масала бўлиб турибди. Ёшлар қалбида юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, уларда миллий онг ва ғурурни уйғотишида, Ватан, миллат ва истиқлол тақдири учун фаол курашчи фуқароларни тарбиялаб, вояга этказишида музей, театр ва кутубхоналар, бугунги кунда ахборот ресурс марказларининг алоҳида ўрни бор. Бу каби муассасалар мустақил Республикаиз фуқаролари маънавий дунёсини бойитиш, уларни гўзал нарсаларнинг ҳаммасидан баҳраманд қилиш, кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик ҳиссиётига кучли таъсир қилиш, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни чуқур мушоҳада этишга даъват этиш каби ажойиб хусусиятларга эга. Шунинг учун педагог-ўқитувчилар ўз фаолиятида мазкур муассасаларнинг ёшларни юксак маънавий-аҳлоқий руҳда тарбиялашдаги бадиий таъсир этишдек воситачилик хусусиятидан имкони борича кенгроқ фойдаланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикасини яратиш энг муҳим вазифалардан биридир. Маънавий ва маърифий ишлар юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг муайян мажмуи бағрикенглик, инсонпарварлик ғоялари асосида тайёрланиб, талаба-ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга, ўзга миллат ва дин вакилларига хурмат уйғотиш руҳида ўтказилиши муҳимдир.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Режа

- 1. Республикализ таълим тизимида маънавий-маърифий тарбиянинг йўлга қўйилиши.**
- 2. Таълимни ривожлантиришда ва такомиллашритишида тарбиянинг роли.**
- 3. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси - маънавий-маърифий тарбия асоси.**

Таянч сўз ва атамалар: Узлуксиз таълим тизими, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шахс, таълим, тарбия, жамият, фан, ишлаб чиқариш, баркамол авлод, комил инсон, Концепцияси, маънавий тарбия босқичлари.

1. Республикализ таълим тизимида маънавий-маърифий тарбиянинг йўлга қўйилиши

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсий ҳаётида миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштириш орқали шахс билан жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтириш, эҳтиёжларнинг хусусийликдан умумийликка ўсиб боришининг қондирилиши ҳар жиҳатдан вояга етаётган ёшларнинг қобилияtlари, истеъдодлари, ички имкониятлари, ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этишни, шунингдек, ривожлантиришни талаб этади. Ёш авлоднинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасини аниqlамай туриб ўрта махсус ва олий таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш мумкин эмас¹.

Мамлакатимиз олдида турган иқтисодий, ижтимоий сиёсий масалалар таълим ва тарбия ишини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Таълим тизимидағи вазифаларга замонавий ёндашув давлатимизнинг бу соҳага ниҳоятда катта эътибор

¹ Ибрагимов X, Абдуллаева Ш. “Педагогика назарияси”. Т.; “Фан ва технология” нашриёти. 2008 й. 7-б.

бераётганида, қабул қилинган бир қатор ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Олий Мажлиснинг 1997 йил 29-августда IX сессиясида “Талим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Уларда таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишга оид асосий йўл-йўриқлар кўрсатиб берилди.

Биз қураётган демократик-хуқуқий жамиятнинг уч муҳим томони бор: иқтисодиёт сиёsat ва маънавият. Бу томонлар қанча мустаҳкам ва бақувват бўлса келажагимиз равнақи ҳам бақувват бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўртага ташлаган энг долзарб муаммолардан бин- маънавият масаласи эди. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий иқтисодий маданий тараққиёти бевосита унинг маънавий-ахлоқий негизларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу негизлар:

- умумисоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсонни ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварликдан иборатдир.

Мазкур маънавий ахлоқий негизлар заминида умумисоний ва миллий қадриятлар муштараклигида Республикализнинг барча фуқароларининг маънавий маданиятини шакллантиришига эришиш ётади. Бир сўз билан айтганда шахс тафаккурини ўстирмасдан, унинг маънавий дунёсини бойитмасдан туриб, ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш, миллий истиқлол мафкурасини тўла-тўкис яратиш мумкин эмас.

Бугунги таълим олдига қўйилган муҳим масала умумисоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбиянинг мазмунида инсонпарварлик ғоясини кучайтириш, халқчиллаштириш, унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий маданиятини шакллантиришдан иборатдир.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида ҳам, таълимда умумисоний ва миллий маданий қадриятларнинг устиворлиги, таълим соҳасидаги давлат

сиёсатининг асосий тамойилларидан бири эканлиги таъкидланган.

Демак, таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий маданий қадриятларнинг устиворлигига эришиш ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йиллари фуқаролар ҳаёти ва данёқарашида туб бурилишлар даври бўлди. Жамиятимиз бутунлай янги қиёфа, янгича мазмунни касб этмоқда. Одамларнинг турмуш тарзлари ўзгармоқда. Энди ҳамма гап қўлга киритилган ютуқларни асраб-авайлашда, кун сайин унинг мазмунини бойитиб, маънавий жиҳатдан чукурлаштириб боришда қолган. Ҳар бир инсон ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий воқеликни чуқур идрок этиши, истиқболни режалаштиришнинг илғор йўналишларини пишиқ-пухта англаб олиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Кайси давлат, қайси жамиятда жамоат аъзолари маънавий жиҳатдан бақувват ор-номусли, меҳр-шафқати кучли, виждони пок, билимдон, меҳр-оқибатли бўлса, бу давлат, бу жамият бадавлат, ўзига тўқ, фаровон бўлиши азалдан маълум. Бинобарин, янги фуқаролик жамияти қуриш йўлига ўтган ҳар қандай давлат маърифат ва маънавият масалаларига, хусусан, маънавиятга, маънавий тарбияга жиддий эътибор бермоғи шарт¹.

Ёшларни сиёсий ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, ақлий салохияти, дунёқараши эндинина шаклланган ёш авлод қалбида миллий ғуур туйғуларини кучайтиришни, Ватан, Миллат ва Истиқлол тушунчаларини қадрият даражасига кўтариш борасидаги қатор тасирчан тадбирларни изчил амалга оширишни давр тақозо этмоқда.

Кадрлар маънавий тарбияси кенг қамровли тушунчадир. Ёш авлод муқаррар равишда янги асосларга ўтаётган давлатимиз, жамиятимиз бошқаруви тепасига келади. Улар биз бошлаган улкан ишларини давом эттирадилар. Ўзбекистоннинг буюк давлатлар қаторига кириши, келажаги обод ва фаровон бўлиши, хуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти майдонга келиши қўп жиҳатдан тарбияга боғлиқ. Шу сабабли

¹ Холиков Э, Сиддиков Б, Рустамов М, Мирзаев А. «Калбан улғайиш даври» Т; «Extremum press» 2011 й, 15-б

Президентимиз янги авлод тарбиясига энг муҳим вазифалардан бири деб қарамоқда. Бу йўлда чексиз ғамхўрлик намуналарини кўрсатмоқда.

Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳар қандай салбий таъсиrlарга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойdevорини яратадилар.

“Бундай эзгу мақсадларга фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин” деган сўзлар ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар ҳил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундейди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Инсонга фақат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирова қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддаликдир. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

Ўзбекистонимизнинг барча олий ўкув юртларида тайёрланётган мутахассисларни фақат касб-кори нуқтаи назаридангина эмас, балки уларнинг дунёқарашлари, маънавияти, тафаккури, сиёсий етуклиги, ахлоқий баркамоллиги ва ижтимоий фаолияти жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Келажаги буюк давлатни маънавияти, ақлий қобилияти юқори савиядаги кадрлар қуради.

Келажаги буюк давлатни маънавияти, ақлий қобилияти юқори савиядаги кадрлар қуради. XX асрнинг энг йирик мутафаккирлардан бири Эрих Фромм шундай огоҳлантиради: «Агар маълум жамият кишиси ижтимоий воқеликни идрок этолмаса, бунинг ўрнига мияси ҳар хил ҳаёллар билан тўлдираверса, ўзи, оиласи ёки дўстларига оид воқеликни тушуниш ҳам чек-чегарали бўлади, у яrim мудроқ ҳолда юради, ҳар томондан келаётган фикрларни қабул қилиш ва ишнишга тайёр яшайди, таклиф қилинган уйдирмаларни ҳақиқат деб билади».

Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барча имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни тақазо этади. Жаҳон халқарининг илғор маданияти миллий маънавиятимизни янада юксак даражага кўтаришга ижобий томонларидан қанчалик фойдаланмайлик, бари бир ўзбек миллий қадриятлари маънавий камолотимизнинг асоси бўлиб қолади.

Демак, шахс маънавиятини шакллантириш ва бойитиш бугун бутун таълим тизимида фаолият олиб бораётган тарбиячилардан чуқур билимга эга бўлишни ва ёшлар ўртасида таълим ва тарбияни узвий равишда олиб бориш салоҳияти ва маънавиятига эга бўлишни талаб этади. Бугун олдимизга қўйилган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш мамлакатимиз тараккиёти ва унинг интеллектуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Бу вазифани амалга оширишда таълим тизимининг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий таълим-тарбия бугунги куннинг энг долзарб масаласи. “Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта фарзандга меҳр қўйиш, уларни қорнини тўқ, устини бут қилиш

ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлок-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб ахамият касб этиб келган”¹. Бу ишга юртимизнинг барча зиёлилари, ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, барча раҳбарлар бирдек масъулдирлар. Мамлакатимизда таълим-тарбияни хозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак баркамол ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Келажак авлод ҳакида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

2. Таълимни ривожлантиришда ва тақомиллаштиришда тарбиянинг роли.

Узлуксиз таълим тизими малакали ракобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади².

Узлуксиз таълим тизими инсон ва жамиятнинг турли хил таълимий эҳтиёжларини қондириши, билимларнинг қадр-қиммати ва мавқеини кўтариш учун кенг имкониятлар яратиб бериши, шунингдек, иқтисодиётнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари шароитида умумтаълимий, умуммаъданий, касбий ва илмий асосда мутахасислар тайёрлаш йўли билан фундаментал билимлар бериб, шахсни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаши керак.

Тарбия — арабча сўздан олинган бўлиб, парвариш қилмоқ, таълим бермоқ, ўрганиш, одоб ўргатиш, меҳрибонлик кўрсатиш, ҳимоя қилиш сингари маъноларни англатади³.

Тарбия одамларнинг ички мавжуд имкониятларини, ирсий туғма қобилиятларини рўёбга чиқаришдир. Ўқитувчининг ilk вазифаси ҳам шунда. Маънавият оламида бир ёқлама, бошқа

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т; «Маънавият», 2008й, 55-б.

² Х. Ибрагимов, Ш. Абдуллаева. “Педагогика назарияси” дарслик. “Фан ва технология” нашриёти. 2008 й. 14-б.

³ Умумий педагогика . -Т .: “ Фан ва технология”, 2018й. 224-б.

нарсалар ҳисобига ривожланиб кетмаслиги керак. Улуғ мутафаккир, буюк санъаткор бўлиб етишиш мумкин, лекин ҳақиқий инсон бўлиш қийин, деган ҳикматнинг мазмуни ҳам фикримиз далилидир.

Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг узвий равишда олиб борилиши нафакат мамлакатнинг интеллектуал жиҳатдан юксалишига, шунингдек маънавий баркамол бўлишини ҳам таъминлайди. “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсад ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу еса таълим-тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”¹.

Глобаллашувнинг бугунги кунда янада кенг микёсда авж олиши шароитида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш долзарб вазифа даражасига айланди. Чунки, агар таълимни тарбиядан ажралган ҳолда, яъни ёшларга фақат билим бериш билан чекланадиган бўлсак, улар ана шу билимларни эгаллашлари мумкин, аммо улар бугунги кун учун ўта мухим бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик, ота-она, маҳалла олдида масъулият каби қадриятлардан бебаҳра бўлиб қоладилар. Бундай холатнинг юзага келиши эса истиқболда мамлакат тараққиёти ва шахс камолоти учун салбий заминларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Тарбия билан таълимни узвий равишда олиб боришда таълим тизимида ўқитилаётган ижтимоий –гуманитар фанларнинг ўрни нихоятда каттадир. Чунки ана шу фанлар дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда етакчилик қиласиди. Улар ўқитувчи, талаба ва бутун таълим тизимидағи ёшлар нафакат онги, тафаккурини ривожлантиради, шунинг билан бирга уларнинг маънавиятини ҳам бойитади. Ватан ва миллат тақдири,

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т; «Маънавият», 2008й, 61-б.

унинг истиқболи учун масъуллик туйғусини шакллантириб боради. «ҳар қайси давлат ҳар қайси миллат нафакат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салохияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»¹.

Юқоридагиларни назарда тутиб, ёшлар маънавиятини шакллантиришда таълим тизимининг ўрни алоҳида ахамиятга эга эканлигини айтиб ўтиш керак. Чунки таълим тизимида онг ва тафаккурнинг ривожланиш жараёни кечади ва улар ўз навбатида ёшларга билим эгаллаш билан бирга, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик каби қадриятларни ўзлаштиришига яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам таълим билан тарбия уйғун холатда ёшларнинг маърифат ва маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ҳар доим катта аҳамиятга эга бўлиб келади.

Инсонни тарбиялаш, уни ривожлантиришнинг аниқ қонуниятларини ишлаб чиқиш педагогика фани зиммасига тушади. Педагогиканинг предмети шахсни ривожлантириш билан тарбия ўртасидаги қонуниятни аниқлаш ва шу асосда тарбиявий фаолиятнинг назарий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқишидир.

Авлод-аждодларимиз жуда қадим замонлардан бошлаб тарбия масаласида ҳар доим умумбашарий ҳис-туйғулар, миллий қадриятларни биринчи ўринга қўйиб келганлар. Шарқона таълим-тарбия масалалари ҳар вақт Марказий Осиё ҳаётида кечган маъданий тарихий жараённинг, ахлокий естетик тарбиянинг марказида турган. Шарқ мутафаккирлари асарларида баркамол инсон шахси, унинг таълими ва тарбияси масалалари Мовароуннахрнинг ўрта аср даври буюк мутафаккирлари, илм-фан алломалари асарларида шахс камолоти масалаларини ҳар томонлама асослаб берилганлиги хам буни тўлиқ исбот килади.

Умуман Шарқ халқлари қадимги гўзал ахлоқийликни жамият тараққиётининг ва инсоний муносабатлар ривожининг мезони деб билганлар. Одамларда чинакам инсоний-аҳлоқий фазилатларни шакллантириш орқали ижтимоий тараққиётнинг онглилигига эришиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Масалан, буюк

¹ «Баркамол авлод орзузи»- Т; «Шарқ», 1999й, 10-б.

аллома Абу Али ибн Сино «Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди» деса, улуг мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги тўғисида фикр юритиб шундай дейди: «Ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол, булар иккови ҳам ёқимли бўлиши керак, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гўзал жамолни кўришга рағбат қиласилар». ¹

Тарбия масаласига комплекс ёндашиш талаб этилади. Гап яхлит маънавий-маърифий тарбия хусусида боряпти. Чунки, бозор муносабатларига асосланган иқтисод шароитида, фуқаролик жамияти қуриш даврида ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш жамият олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, у айни вақтда барчамиздан катта масъулият ва меҳнат талаб қиласиди.

Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклана боради, хис-туйғулари ривожланади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёжи ва хоҳишларини ифодалайди. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онгинига эмас, балки, хис туйғуларини ҳам ўстира бориш. унда жамиятнинг шахсга қўядиган аҳлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига таълим жараёни асосида ҳиссиётига ва иродасига системали ва мунтазам таъсир этиб борилади. Ўқувчини тарбиялашда буларнинг бирортаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) эътибордан четда қолса мақсадга эришиш қийинлашади. Шунинг учун тарбия жараёни кўп қиррали ва мураккаб жараён деб юритилади².

Тарбия жараёнининг хусусиятлари: кўп қирралилик, узок муддатлилик, уюштирувчи, узлуксизлик, икки томонлама алоқадорлик ва қарама- қаршилилик.

¹ И момназаров М., Эшмуҳаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. - Т; Тошкент Ислом Университети, 2001й, 37-б.

² Умумий педагогика . -Т : “ Фан ва технология”, 2018й. 223-б.

Тарбия жараёни, одатда, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва уларнинг хусусиятларини бартараф этиш билан олиб борилади. Инсоният яратган маънавий бойликлар бисотида донишмандларнинг панд насиҳатлари, ўғитлари ва тарбия ҳақидаги фикрлари алоҳида ўрин эгаллайди. Донишмандларнинг панд-насиҳатлари умрбокий маънавий бойлик ҳисобланади. Чунки улар ҳаётдан, ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ва эзгу орзу ниятни ифодалайди. Шуни таъкидлаш лозимки, энг қадимги тарбия ҳақидаги фикрлар бизгача бевосита этиб келмаган. Бу фикрлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданиятнинг йиллар давомида ривожланиши натижасидир.

Тарбия жараёни самарадорлиги мақсад ва манфаатларнинг, услуг ва йўналишларнинг уйғунлигига, амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг доимиyllиги ва кетмакетлигига ҳам боғлиқдир. Маънавий –маърифий тарбия самарадорлигини ошириш ошириш йўллари, омиллари, вазифалари, усул ва шаклларини назарий ривожлантириш, унинг тажриба натижаларини умумлаштириш бунда муҳим аҳамият касб этади. Эришиладиган муваффақиятлар фақат ўтказилган тадбирлар кўлами, ёхуд унда иштирок этган одамлар сони, салмоғи билан ўлчанмайди, балки, таълим-тарбия жараёнининг доимиyllиги, узлуксизлиги, мунтазамлиги билан баҳоланади. Бу эса ёшларни мустақил фикрлашга ўргатади, уларнинг фаоллигини оширади.

3. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси - маънавий-маърифий тарбия асоси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрда «Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 1059-сонли

Қарори қабул қилинди. Унга кўра Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси 8 та бобдан иборат бўлиб, 70 та вазифалар белгиланган. Ушбу концепцияда:

- 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган аҳоли, айниқса ёшлар тарбияси билан боғлик вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни тинч-осойишта ҳаёт учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш;
- маънаний тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдаклар ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларни белгилаш;
- ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш;
- ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш;
- аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам танишириб бориш;
- оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузгунчи ғояларга карши соғлом дунёкарошни шакллантириш;
- узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот

воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш¹ устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимиға ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда. Ушбу талаблар доирасида таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароити тубдан яхшиланиб, таълим сифатини оширишнинг замонавий технологиялари жорий қилинмоқда. Тарбия ва таълимни бирбиридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради. Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади.

Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Айрим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини ўзи ўқишига сафарбар қилиш, иРОДА, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари

¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1059-сон қарори. 2019 йил 31 декабрь

етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатмоқда. Маънавий тарбия соҳасида ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, маънавий тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, ўқувчилар учун зарур дарслклар етарли эмас. Шу муносабат билан «Узлуксиз маънавий тарбия» концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали маънавий тарбия тизимини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясининг мақсади ёш авлодда мустақил ва баҳтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиши,тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланиб вояга етгунга қадар давом этадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этиш, бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илфор ютуқларидан самарали фойдаланиш,тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориши,маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиши,маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиш асосий вазифалар қилиб белгиланган.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қўйидаги 4 та босқичлардан иборат:

биринчи босқич — оилаларда (икки давр асосида: биринчи давр — ҳомила даври, иккинчи давр — бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган давр);

иккинчи босқич — мактабгача таълим 3 — 6 (7) ёшгача бўлган давр;

учинчи босқич — умумий ўрта таълим тизимида (икки давр асосида: биринчи давр — 7 (6) — 10 ёш бошланғич синф, иккинчи давр — 11 — 17 ёш ўрта ва юқори синфлар);

тўртинчи босқич — ишлаб чиқаришда фаолият қўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар, шунингдек, ўрта маҳсус касб-хунар ва

олий таълим муассасалари тизимида (икки давр асосида: биринчи давр — ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар — 17 — 30 ёш, иккинчи давр — ўрта махсус касб-хунар, олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари 15 — 22 (24) ёш).

Биринчи босқич бўйича ҳомиладор аёллар ўқиши тавсия қилинадиган тиббий-маърифий, тарбиявий, бадиий ва электрон адабиётлар туркумлари тайёрланади, Маҳалла, оиласарда отоналар ва болалар маънавий тарбиявий муносабатларини таҳлил этиш асосида «Намунавий оилавий тарбия муҳити» мезонлари белгиланади ва шу асосида маҳалла, туман, шаҳар, ҳудудлар ва республика танловлари ўтказилади. Оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва педагогик-психологик асослари ўргатилади, «Ота-оналик — баҳт ва бурч» тарғибот тадбирлари ташкил этилади. З ёшгача болаларда бадиий-эстетик дидни шакллантириш ва интеллектни ривожлантиришга мўлжалланган алла, эртак, мақоллар ва топишмоқларнинг аудио шакли яратилиб, мультфильмлар тўплами тайёрланади, бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогларнинг илфор ютуқларидан самарали фойдаланилади, маҳаллалардаги «Ота-оналар университетлари»да ота-оналар учун фарзандларда ёшига мос ижтимоий компетенцияларни тарбиялаш бўйича тренинглар ўтказилади, «Тарбия мактаби» рукни остида ота-оналар, педагоглар учун телекўрсатувлар, болалар, ёшлар учун турли расмлар билан безатилган ёрқин, ранг-баранг қўлланмалар, мультимедиа маҳсулотлари каби дидактик материаллар туркумини яратилади, узлуксиз маънавий тарбия амалиётида тўпланган ижобий тажрибани оммалаштириш мақсадида «Ёш ота-она китоби» ва бошқа методик қўлланмалар асосида мультимедиали тақдимотлар сериясини яратиш ва ота-оналарга тарқатиш механизми йўлга қўйилади.

Оилада узлуксиз маънавий тарбия хусусиятлари:

- мулокот, ўйин турлари жараёнида предметлар, намунавий хулқ, хатти-харакат қоидалари билан танишиш, тақлид орқали катталарнинг маънавий-ахлоқий тажрибасига эътибор қаратиш;

- ўзининг ва бошқаларнинг хатти-харакатларини кузатиш, баҳо беришга ўргатиш;
- илк маънавий-тарбиявий мотивларни шакллантириш;
- ўзига-ўзи хизмат қилиш, кундалик турмушда хавфсизлик кўникмаларини ўргатишдан иборат.

Иккинчи босқичда 3 — 7 ёшли болаларга хос хусусиятлар инобатга олинади. Тарбиячилар ва ота-оналар томонидан ушбу ёшдаги болалар асосий фаолият турлари жараёнида ўзини ўзи англашга, мулоқот, кузатиш ва ўзининг ва бошқаларнинг хулқига баҳо беришга, маънавий-ахлоқий кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга ўргатилади. Ўйин, ўзаро муносабатлар, оиласидаги муносабатлар, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш эҳтиёжининг пайдо бўлиши орқали характер сифатларини шакллантириб борилади. Бола тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш орқали миллий ва умумисоний қадриятлар ўргатилади. Ота-оналар ва тарбиячиларнинг бола тарбияси борасидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларини оширишга қаратилган илғор педагогик ва ахборот технологияларига асосланган худудий ўқув тренинглар, семинарлар, форумлар дастурини ишлаб чиқилади. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун тайёрланадиган спектакллар, куй-қўшиқ ва рақслар, турли театрлаштирилган томошалар, сахна кўринишлари, миллий ўйинлар сценарийларини ишлаб чиқилади. Барча мактабгача таълим муассасаларини ўзбек миллий эртаклари, афсонавий қаҳрамонлар, буюк боболаримиз, қадимий миллий меъморчилик обидалари, Ўзбекистон табиати, миллий Ватан тимсоллари асосида безаш, жиҳозлаш тартиби ва кўргазмали намуналарини ишлаб чиқилади. Болаларда ижобий хулқ мотивларини шакллантириш бўйича «Бола азиз, одоби ундан азиз» мавзууда эртак, матал, афсона, достон, мақоллар асосида мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш. Барча турдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» туйғусини шакллантириш, уларда давлат рамзларига хурмат ҳиссини тарбиялашга қаратилган тарбиявий тадбирлар ўтказилади.

Учинчи босқичда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ўқувчиларда ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилат (компетенция)лар — Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳроқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик шакллантирилади. «Узлуксиз маънавий тарбия» рукнида ота-оналар, педагоглар, болалар ва ўсмиirlар учун дарсликлар, адабиётлар, медиамахсулотлар, илмий-методик қўлланмалар мажмуаси яратилади. Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари асосида ўқувчиларда ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилат, компетенциялар шакллантирилади. Умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган тўгараклар фаолиятини «Беш муҳим ташаббус» асосида ривожлантириш. Умумий ўрта таълим муассасаларининг «Тарбия» фани ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилади ҳамда амалга оширилади. Ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла мутахассислари учун маънавий тарбия индикаторлари ва тарбиялаш усуллари билан бойитилган «Фазилатли авлод» ва бошқа методик қўлланмалар ишлаб чиқилади. Умумий ўрта таълим мактабларида буюк маърифатпарвар сиймолар меросини тарғиб этишга қаратилган «Ўн икки ой — ўн икки аллома» китобхонлик ойликлари ташкил этилади. Аҳоли, педагоглар, жамоатчилик, болалар орасида узлуксиз маънавий тарбия тизими самарадорлигини ўрганиш, баҳолаш ва такомиллаштириш мақсадида бир йилда икки марта социологик сўровлар ўтказилади. Ҳар йили бир маротаба «Миллий тарбия ва замон» мавзусида педагогик симпозиум ўтказиб борилади.

Тўртинчи босқичда ўрта маҳсус қасб-ҳунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшларда улар ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилат (компетенция)лар — Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳроқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни ривожлантириш давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги асосида мақсадли маънавий-маърифий дастурлар орқали амалга

оширилади. Ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим тизими ўқув дастурлари, маънавий-маърифий режалари асосида ўқувчи-талабаларнинг ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилатлар — Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик ривожлантирилади. Ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган тўгараклар фаолиятини «Беш муҳим ташаббус» асосида ривожлантириш ишларини амалга оширилади. Таълим муассасаларида ўқувчи-талабаларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тантанали маросимларнинг замонавий шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилинади. Узлуксиз маънавий тарбия тизими самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган диссертациялар, илмий тадқиқотлар ва изланишлар йўлга қўйилади. Телерадиоканалларда тарбия мавзуларида ток-шоулар, кўрсатув ва эшиттиришлар, ижтимоий тармоқларда тарбиявий мавзуларда виртуал мулоқот майдонлари ташкил этилади.

Концепциянинг жорий қилиниши узлуксиз маънавий тарбия жараёнининг тизимли ташкил этилишига, тарбия соҳасининг илфор инновацион технологиялар асосида такомиллашувига, ёшларнинг Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағри кенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч компетенциялар билан мустақил ҳаётга кириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратади. Оилалар, таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш лаёқатига эга бўлган ёшларнинг маънавий камол топиши учун зарур бўлган инновацион ижтимоий-педагогик соғлом ва барқарор муҳит яратилади. Жамиятда жиноятчилик, экстремизм, тероризм, коррупция, фирибгарлик, кўзбўямачилик, ёлғончилик, эгоцентризм, ахлоқий бузуклик, оилавий ажримлар, меҳр-оқибатнинг камайиши, «оммавий маданият»га кўр-кўrona тақлид, лоқайдлик, бегоналашув, ўзибўларчилик, фарзанд тарбиясида масъулиятсизлик, оилавий қадриятлар инқирози, эл-юрт тақдирига бефарқлик каби иллатлар кескин камаяди. Банд

бўлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга, келажакка бўлган ишончи ошади. Мамлакат дунёда рақобатбардош, бой инсон капиталига эга бўлади. Оила, таълим муассасалари, давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар, ота-оналарда бой миллий тарбиявий меросимиз тўғрисида билимлар шакланади, уларни ўрганиш, сақлаш, тарғиб қилиш, ўргатиш орқали миллий фазилатларнинг авлоддан-авлодга ўтиб бориши таъминланади. Концепциянинг амалга оширилиши жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғлом ва барқарор бўлишига салмоқли ҳисса қўшади.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Узлуксиз таълим тизими неча босқичдан иборат?
2. Маънавий-маърифий тарбия деганда нимани тушунасиз?
3. Таълимни ривожлантиришда тарбиянинг роли қандай?
4. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси қачон қабул қилинган?
5. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг таълим ва тарбия тизимини ривожлантиришдаги аҳамияти қандай?

МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Режа:

- 1. Маънавий - маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.**
- 2. Ўқувчи талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш.**

Таянч сўз ва иборалар: маънавий-маърифий тадбирлар, тадбирлар режаси, тадбирлар турлари, бағрикенглик, мавзунинг долзарблиги, маънавий-маърифий ишларнинг йўналишлари, ёшлар тарбияси, олий таълим тизими.

1. Маънавий - маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.

Маънавий-маърифий тадбирлар икки турга бўлинади: а) режа асосида ўтказиладиган тадбирлар; б) режадан ва навбатдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар.

Режа асосида ўтказиладиган тадбирлар йилнинг бошида худуд, корхона, ташкилот ёки муассасанинг умумий йиллик иш

режаси ва маънавий-маърифий ишлар бўйича тайёрланадиган режага киритилган бўлади. Бундай тадбирлар ҳам ўз ичида уч хил йўналишга бўлинади. Яъни:

- Миллий ва халқаро байрамлар (Янги йил, Халқаро хотин қизлар куни, Наврӯз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллий байрами, Устоз ва мураббийлар куни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун), касб байрамлари (Ватан ҳимоячилари куни, Матбуот ва ОАВ ходимлари куни, Ички ишлар ходимлари куни, Шифокорлар куни ва шу кабиларга) ва умумжаҳонда қабул қилинган саналарга (Болаларни ҳимоя қилиш куни, Халқаро бағрикенглик куни, Гиёҳвандликка қарши кураш куни ва бошқа шу кабиларга) бағишлиланган тадбирлар.

- Буюк алломалар, фан, таълим, адабиёт, санъат ва бошқа соҳалар намоёндаларининг юбилейларига бағишлиланган тадбирлар.

- Шахс маънавиятини янада бойитиш ва маънавий – мафкуравий, ахборот хуружларининг олдини олишга, миллий урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишга қаратилган тадбирлар.

Режадан ва навбатдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар янги қабул қилинган қонун, фармон, қарор, фармоишларнинг мазмун - моҳиятини тушунтириш мақсадида, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг йиғилиш баёни қарорлари, ҳудуд ёки соҳа раҳбарларининг топшириклари ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган йирик халқаро ва Республика тадбирлари, текшириш ва ўрганишлар натижаларидан келиб чиқадиган хulosалар асосида ўтказиладиган тадбирлар бўлиб, улар учун алоҳида режа тузиб олиш мақсадга мувофиқ.¹

Юқорида айтиб ўтилганидек режа асосида ўтказиладиган тадбирлар йилнинг бошида таълим муассасасининг умумий йиллик иш режаси ва маънавий-маърифий ишлар бўйича тайёрланадиган режага киритилган бўлади. Ушбу режада тадбирлар қуйидаги асосий йўналишларга бўлинган ҳолда тузилади.

Маънавий- маърифий ишларнинг асосий йўналишлари:

1. Маънавий-маърифий ишларни тизимли мувофиқлаштиришга доир ташкилий масалалар.

¹ Тўраев.Ш. Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил қилиш методикаси. Т.; “Парадигма”. 2017й. 111-бет.

2. Маънавий баркамол мутахассисларни тайёрлашда тарбиявий ишлар устуворлигини таъминлаш.

3. Жамоада умумий ва педагогик маданиятни оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишлар.

4. Ўзбекистон мустақиллиги принциплариға садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносаб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш борасида МФЙлари, ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

5. Маънавий-маърифий ишларнинг методик таъминоти, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг ўқув-усулий асосини такомиллаштириш.

6. Маънавий-маърифий ишларга масъул ходимлар малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.

7. Миллий қадриятлар ва анъаналар, аждодларимизнинг бой маданий меросини тарғиб этиш, миллий байрамлар, тарихий саналар, буюк аждодлар таваллудини нишонлаш.

8. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишлари.

9. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, талабалар тураг жойларида яшовчи ҳамда ижарада турувчи талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар.

10. Ижтимоий ҳимоя тадбирлари.

Режада маънавий – маърифий ва тарбиявий тадбирлар номи, бажариш муддати, масъул ижро чилар ва кутилаётган натижалар белгилаб олинади. Олий таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар режасидан намуна:

№	Маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар номи (Ижро этиши механизми)	Бажариш муддати	Масъул ва ижро чилар	Кутилаётган натижа
---	---	-----------------	----------------------	--------------------

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ МУВОФИҚЛАШТИРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

1.	2019-2020 ўқув-йили	ӯқув учун	Масъул: Ёшлар	Маънавий-маърифий
----	----------------------------	------------------	--------------------------	--------------------------

	<p>университет, факультет, кафедралар, гурух мураббийларини нг маънавий- маърифий ишлар режасини ишлаб чиқиши.</p> <p>1. 2019-2020 ўқув йили учун университетнинг маънавий- маърифий ишлар режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқдан ўтказилади;</p> <p>2. Университет режаси асосида факультетлар, кафедраларнинг маънавий- маърифий ишлар режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқдан ўтказилади;</p> <p>3. Университетда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотларини нг маънавий- маърифий ишлар бўйича чора- тадбирлар</p>	<p>2019 йил 10 июлдан 12 июлга қадар</p> <p>15 июлдан 22 июлга қадар</p> <p>24 июлдан 30 июлга қадар</p> <p>1 августдан 10 августга қадар</p>	<p> билан ишлиш бўйича проректор Ижрочилар : Ёшлар билан ишлиш, маънавият ва маърифат бўлимни Факультет деканлари, ёшлар билан ишлиш бўйича декан ўринбосарл ари, кафедра мудирлари Жамоат ташкилотла ри раҳбарлари кафедра мудирлари, гурух мураббийла ри</p>	<p>ва тарбиявий тадбирлар аник, мақсадли ташкил этилишига эришилади.</p>
--	--	---	---	--

	<i>режаси тасдиқланади;</i> 4. Гуруҳ мураббийлари режаси кафедра йигилишиларида муҳокамадан ўтказилади ва тасдиқланади..			
2.	Олий таълим муассасасининг 2019/2020 ўқув йили якунига қадар эришилиши белгиланаётган самарадорлик кўрсатгичларин инг VI йўналиши (Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус)да белгиланганд вазифалар ижросини таъминлаш 1. Мазкур самарадорлик кўрсатгичи ижросини таъминлаш мақсадида барча факультетлар	2019 йил сентябрь	Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ижрочилар : Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими Факультет деканлари, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосарл ари, кафедра мудирлари Жамоат ташкилотла ри раҳбари	2019-2020 ўқув йили якунига қадар 5 та ташаббус доирасида ижобий кўрсатгичла рга эришилади

	<p>томонидан “йўл харита” ишлаб чиқиши;</p> <p>2. “йўл харита” асосида белгиланган вазифаларни ўз вақтида таъминлаш ҳамда ижроси юзасидан ҳар кунлик маълумотларни(ас осли хужжатларини илова қилган ҳолда)ни Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимига тақдим этиш.</p>		
--	--	--	--

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАР, АЖДОДЛАРИМIZНИНГ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ТАРГИБ ЭТИШ, МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАР, ТАРИХИЙ САНАЛАР, БУЮК АЖДОДЛАР ТАВАЛЛУДИНИ НИШОНЛАШ

1.	Республикамизд а нишонланадиган байрамларни юқори савияда амалга ошириш. <i>1. 1-октябрь - Устоз ва мураббийлар кунига бағишлаб</i>	Ўқув иили давомида 29 сентябрдан 2 октябрга қадар	Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ижрочилар : Ёшлар билан ишлаш,	Байрамлар кўтаринки руҳда ўтказилади.
----	---	---	--	---------------------------------------

	<p>“Устозларни қадрлаймиз” мавзусида байрам тадбiri ўтказилади;</p> <p>2. 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишилаб “Конституция ҳафталиги” тадбирларини ўтказиши.</p> <p>Ҳафталик давомида илмий-амалий анжуман, фотокўргазма, тренинг, викториналар ташкил этилади ;</p> <p>3. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуд топган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаши;</p> <p>4. 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунига бағишилаб комплекс чора-тадбирлар ўтказилади</p>	<p>Ноябрь-декабрь</p> <p>“Ватанпарварлик” ойлиги давомида</p> <p>Март</p> <p>Март</p> <p>Белгиланган муддатда</p> <p>Апрель-май</p> <p>Доимий</p>	<p>маънавият ва маърифат бўлими, деканлар, жамоат ташкилоти раҳбарлари</p>	
--	--	---	--	--

	<p>5. “8 март - Халқаро хотин- қизлар куни”га багишилаб кенг күламли тадбирлар ўтказилади;</p> <p>6. 21-март - Наврӯз байрами мунсобати билан маданий ва маънавий- маърифий тадбирлар ўтказилади;.</p> <p>7. «Талабалар баҳори» ёшлар фестивалида талабалар иштироки таъминланади.;</p> <p>8. 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига багишилаб “Инсон қадри ва унинг хотираси муқаддас” мавзусида комплекс тадбирлар ташкил этилади;</p> <p>9. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун - 30 июнь санасини - мамлакатимизда</p>	Доимий		
--	--	--------	--	--

<p>“Ёшлар куни”</p> <p><i>сифатида нишонлаши;</i></p> <p>10. Университет фахрийларининг юбилейлари, эътиборли саналар, айниқса профессор-ўқитувчиларнинг таваллуд кунлари ҳамда илмий ижодига бағишиланган кечалар ўтказилади</p>			
---	--	--	--

Маънавий – маърифий ишлар режасида юқоридаги ўнта йўналишлар бўйича қилинадиган тадбирларнинг барчаси ўз ифодасини топади.

Олий таълим муассасасида ўтказиладиган маънавий – марифий ишлар режаси асосида ҳар бир факултет, кафедра ва гурух мураббийлари ўзларининг маънавий – марифий ишлар режасини ишлаб чиқади. Гурух раҳбарлари маънавий - маърифий ишларни режалаштиришда иш шаклларини танлаш ва уларни мақсадга мувофиқлигига эътиборни қаратиши муҳим талаблардан биридир. Режада тадбирлар миқдори ўзаро мутаносибликда бўлиб, вақт жиҳатидан тўғри тақсимланишига алоҳида эътибор берилиши керак.

Ҳар бир гуруҳнинг маънавий-маърифий ишлар режасидан намуна:

№	Маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар номи	Бажари муддати	Масъул ва ижрочиilar	Кутилаётган натижа
----------	--	-----------------------	-----------------------------	---------------------------

1.	Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлиланган “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним ” шиори остида тадбирлар ташкил қилиш	2019 йил сентябрь	Гурух мураббийи	Талабалрни маънавий-маърифий тадбирлардаги иштирокини ошириш
2.	“Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик жамиятимиз барқарор тараққиёти гаровидир”, “Ёшлар ва глобаллашув даврида ғоявий таҳдидлар” мавзусида давра сұхбатлари ташкил қилиш	Ўқув йили давомида Режа асосида	Гурух мураббийи	Талабаларни мафкуравий иммунитети мустаҳкамлана ди.
3.	Талабаларни ватанпарварлық рухида тарбиялаш учун “Тинчлик-энг олий неъмат”, “Тинчлик учун курашмоқ керак” мавзуларида тадбирлар ташкил қилиш.	Ўқув йили давомида Режа асосида	Гурух мураббийи	Талабаларда ватанпарварлық рухи юксалади.
4.	“Ватанпарварлық ўлка тарихини ўрганишдан бошланади” шиори остида Бухоронинг қадимий обидалари, тарихий ёдгорлайлари бўйлаб саёҳатлар ташкил қилиш.	Ўқув йили давомида Режа асосида	Гурух мураббийи	Ўлка ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади.
	“ Миллий ғоя - халқ маънавиятигининг	Ўқув йили давомида	Гурух	Талабаларни миллий ғоя

5	кўзгуси”, “Миллий ғоя ва ёшлар” мавзуларида давра сұхбатлари ва тадбирлар ташкил қилиш	Режа асосида	мураббийи	ҳақидаги билимлари ортади.
6	“Маънавият куни” ва “Ахборот соати” машғулотларида «Оила – жамият таянчи», «Маънавият оиласынан бошланади», мавзуларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш	Ўқув йили давомида Режа асосида	Гурӯҳ мураббийи	Талабалар маънавиятини юксалтиришга ёрдам беради.
7	“Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида тадбирлар ташкил қилиш.	Режа асосида	Гурӯҳ мураббийи	Талабаларни маънавий-маърифий тадбирлардаги иштироқини ошириш
8	Талабаларнинг хуқуқий онги ва саводхонлигини оширишга каратилган тарғибот тадбирларини амалга ошириш	Режа асосида	Гурӯҳ мураббийи	Талабаларнинг хуқуқий онги ривожланади
9	«Қомусли эл – номусли эл» мавзусида факультетда давра сұхбатлари, байрам тадбирларини ташкил этиш	Ноябрь-декабрь	Гурӯҳ мураббийи	Талабаларнинг хуқуқий маданияти ривожлантира ди.
10	Талабалар ўртасида хуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида, “Сиз қонунни биласизми?” мавзууда тадбирлар ўтказиши.	Февраль	Гурӯҳ мураббийи	Талабаларнинг хуқуқий саводхонлиги ни ривожлантира ди.

1 1	Талабаларни ёдғояларга күшилиб кетишини олдини олиш учун “Оммавий маданиятнинг” салбий иллатлари”, мавзууда тадбирлар ўтказиш.	Февраль -март	Гурух мураббийи	Талабаларни мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш
1 2	“Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига таҳди迪”, ”Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш” мавзууда тадбирлар ўтказиш.	Февраль -март	Гурух мураббийи	Талабалрни маънавий-маърифий тадбирлардаги иштирокини ошириш
1 3	“Сен азиз ва муқаддассан аёл”, “Аёл хаёт фариштаси”, “Аёлга эҳтиром” мавзуларида тадбирлар ўтказиш.	Март	Гурух мураббийи	Талабалрни маънавий-маърифий тадбирлардаги иштирокини ошириш
1 4	Талабалар турар жойида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш.	Йил давомида	Гурух мураббийи	Талабалрни маънавий-маърифий тадбирлардаги иштирокини ошириш
1 5	“Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик – жамият тараққиётига таҳдид”	Апрель	Гурух мураббийи	Талабалрни маънавий-маърифий

	мавзуларида маънавий- маърифий тадбир ўтказиш.			тадбирлардаги иштирокини ошириш
1 6	9-май –Хотира ва қадрлаш кунига бағишилаб “Ватан озодлиги учун тўкилган қон муқаддас” мавзусида тадбирлар ташкил қилиш.Нафақадаги профессор-ўқитувчилар иштирокида учрашувлар ташкил қилиш	Гурӯҳ мураббийи Май		Талабаларни маънавий- маърифий тадбирлардаги иштирокини ошириш

Маънавий – маърифий тадбирларни режасини тузишда йилларнинг номланишига ҳам эътибор бериш керак. Тадбирларни ташкил қилишда йил хусусиятлари тадбирнинг мазмун моҳиятида акс эттирилиши керак. Жорий йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши ташкил қилаётган тадбирларимизда асосий мавзулардан бири сифатида белгиланади.

2. Ўқувчи талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш

Ўзбекистонда ҳамжиҳатликда яшаш маданияти энг қадимги даврлардан шаклланган бўлиб, ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан бирига айланган. Зардуштийлик ва ислом фалсафасида бағрикенглик тафаккурини ўзига чуқур сингдирган ижтимоий фаол инсонни тарбиялаш масаласи устуворлик касб этади. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”. Шунга кўра, биринчидан, мамлакатимизда бағрикенглик миллий ғоянинг

таркибий қисми қилиб белгиланган. Иккинчидан, бағрикенглик ижтимоий ҳамкорлик, миллат ларабо тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тушунчалар мазмунига киритилган. Учинчидан, бағрикенглик ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашнинг узвий қисми бўлиб, бугунги кунда муҳим педагогик вазифа сифатида қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли “Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар” номли Қарорида: “Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш масаласига эътибор кучайтирилиши, тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш; аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш” каби масалалар белгилаб берилган.

Маънавий-маърифий тадбирлар ёшларда бағрикенгликни сингдиришда педагогик ҳамкорлик ва интеграцион омил бўлиб хизмат қиласи. Шундай экан, маънавий - маърифий тадбирларнинг яхлит андазасини ишлаб чиқиш, самарали шакл, восита ва услубларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий XXI аср такомилини бағрикенглик тафаккурисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, бағрикенглик тафаккури миллатлар, элатлар, халқлар, маданиятлар, қарашлар, мафкуралар хилма-хиллиги шароитида уларнинг ўзаро ҳамкорлик ва бирбирини қабул қилиш, tengлик ва ҳурмат асосида яшаш тартиби ва жараёнларини билдиради.

Бағрикенглик соғлом ақида ва ғоя сифатида инсонлараро муносабатларни тартибга солади, уларни соғлом мулоқот қилишга ўргатади. Шу нуқтаи назардан, бағрикенглик тушунчаси геноцид, расизм, ксенофобия, этноцентризм, экстремизм каби тушунчаларга қарши бўлиб, фалсафий-ижтимоий онг таркибидан

жой олади ва инсон тафаккурида, хулқида, феъл-атворида намоён бўлади.

Бағрикенглик давлат ва дин, дин ва инсон муносабатлари, инсоннинг давлат олдидаги мажбуриятлари каби масалаларда ҳар бир фуқаронинг аниқ билимларга эга бўлишини тақозо этади. Бағрикенглик инсон ва давлат ҳамда инсонлар ўртасидаги ранг-баранг муносабатларни тартибга солиш тамойилларидан иборат. Шундай экан, бағрикенглик тафаккурини ёшлар дунёқарашининг узвий бўғинига айлантириш, шунингдек, уларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш долзарб ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади.

Бағрикенглик тафаккурини шакллантириш давлатни мустаҳкамлаш, хавфсизлигини муҳофаза қилиш, ёшларни турли мафкуравий ёт ғоялардан асраш, уларни бағрикенглик асосида ҳаётга тайёрлашда алоҳида ўрин тутади. Бағрикенглик дунёвий давлатнинг энг зарур хусусиятларидан биридир.

Маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини ишлаб чикишда ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий ва диний бағрикенглик тамойилларининг ўзига хос этик ва эстетик ақидалар тизимида тарихий шаклланиш босқичлари, ўзбек халқи миллий қадриятлари тизимида бағрикенглик тушунчаси таркибиغا анъанавий тарзда қўйидаги инсоний хислатлар ва тафаккур қирралари киритилганлиги ва шакллантирилганлигини инобатга олиш муҳим.



I-расм. Бағрикенлик түшүнчесининг таркибий компоненттері

Педагогика йұналишидаги олий таълим муассасаларида талабаларни бағрикенлик рухида тарбиялашда маңнавий-маърифий тадбирларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари қуидаги күриб чиқылади. Ёшлар билан ишлеш жараёнида улар қуидаги иш фаолиятлари асосида белгиланган педагогик мақсадга йўналтирилади:

- расмий равища белгиланган ёшлар гурухларида ишлеш(белгиланган ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарс соатларидан унумли фойдаланиш);
- ёшлар билан якка тартибда ишлеш (рефератлар, ижодий топшириқлар, махсус топшириқлар бериш, баъзи бўш ва муаммоли ёшлар учун якка тартибда педагог-ёшлар муносабатларини ташкил этиш);
- махсус ташкил қилинган талабалар гурухларида иш олиб бориш (бағрикенгликни ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган турли курслар, семинар-тренинглар, тестлар, беллашувлар, танловлар, клублар, марказлар, факультатив машғулотлар, ёшларнинг қизиқишлиари бўйича тўгараклар);
- гурухлараро рақобат ва беллашув асосида иш олиб бориш (бағрикенглик

мақсадларига йўналтирилган турли кўрик-танловлар, мусобақалар, турнирлар, дискуссион ва етакчилик клублари, давра сұхбатлари ва баҳслар, учрашувлар, савол-жавоб турнирлари, интеллектуал ўйинларни ташкил қилиш);

— шахслараро беллашув ва ижодий мусабақалар асосида иш олиб бориш(турли маънавий, маърифий, оммавий тадбирлар ўтказиш, уларга барча ёшларни жалб этишга эришиш, толерантлик тамойилларини билган энг яхши талаба учун танловлар эълон қилиш);

— тизимли тадбирлар уюштириш, фаолият жараёнига барча ёшларни жалб этишга ҳаракат қилиш (мавжуд таълим даргохининг барча ёшлари жалб этилган умумий тадбирларни ташкил этиш. Масалан, таълим муассасаларида ҳар йили 16 ноябрни “Бағрикенглик куни” деб эълон қилиш, бу кунни концертлар, танловлар, аъло ўқийдиган талабаларни мукофотлаш тарзида нишонлаш, тадбирларга миллий марказлар фаолларини жалб этиш, турли миллат вакилларининг ўз миллати урф-одатлари бўйича сұхбатларини уюштириш ва ҳ.к.);

— курслараро жамоатчилик ҳаракатини ташкил этиш асосида ёшларнинг умумий ҳаракатини вужудга келтириш (масалан, олий таълим муассасалари доирасида талабаларнинг “Биз бағрикенглик тарафдорларимиз” ҳаракати дастурини тузиш, иш режасини ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятини нафақат таълим тизими доирасида, балки фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида ҳам олиб борилишига ва ҳаракат кўламининг кенгайишига эришиш).

Олий таълим муассасалари ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг куйидаги ҳолатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Илмий-назарий жиҳат. Ўқув жараёни ва тадбирлар мазмунини жиддий қайта кўриб чиқиши, уларни замонавий гоялар ҳамда дунё миқёсидаги сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий-молиявий вазиятларга хос бўлган ўзгаришлар таҳлили билан тўлдириш зарурлиги аниқланди. Бағрикенгликнинг бугун нафақат аниқ шахсга алоқадорлиги, балки бутун инсоният ва

унинг истиқболига хос хусусиятга айланганлигини аниқ ва тўғри тушунтириш лозимлиги белгиланди.

2. Ташкилий жиҳат – бағрикенглик тафаккурини шакллантириш бўйича барча ўқув-педагогик ва тарбиявий тадбирларни режалаштириш ва ўтказишга жиддий ёндашувнинг зарурлиги, мақсад ва тадбирлар мазмунини аниқ белгилаш, улар мазмунини мавжуд янгиликлар билан бойитиш, барча кўлланиладиган терминларга тўлиқ жавоблар берилишини таъминлаш, ёшларнинг барча эҳтиёжларини олдиндан привентив кўра билиш ва таъминлаш, белгилangan мақсадга мос бўлган шакл, восита ва усулларни қўллаш, тадбирлар ўтказишида интерфаол усуллардан кўпроқ фойдаланиш, ёшларни бағрикенглик ғоялари ортидан эргашувчиларга айлантира олишдир.

Ёшларнинг бағрикенглик тафаккурини амалий кўникма ва малакалар, тарғибот ва ташвиқот фаолиятларини ривожлантириш асосида ташкил этиш таълим жараёнидаги барча мавжуд иштирокчилар, педагог, олий таълим муассасаси маънавий-маърифий тизими, таълим муассасасидаги жамоат ташкилотлари, ундан ташқаридаги нодавлат ташкилотларнинг умумий-мақсадли фаолияти кўзда тутилади. Тарғибот-ташвиқот фаолияти бағрикенглик мазмунининг муҳим аломатларидан бўлган мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга қаратилган ишларнинг аниқ мақсад ва режа асосида ўтказилишини талаб этади.

3. Таълим менежменти жиҳати. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда алоҳида эътиборни уни ташкил қилувчи ва ўтказувчи педагогик кадрлар масаласига йўналтириш, ўқитувчи-модераторларни мақсадга ва вазифага мос танлаш, демократизм, гуманизм ва тенглик принциплари асосида ишлашини таъминлаш, барча масъул шахсларнинг ташаббускорлиги ёшлар билан тил топа олиши, ташкилотчилиги, янгиликка мойиллиги, ижодий-креативлиги, турли ноқулай ва тасодифий саволларга аниқ, самимий ва мантиқий жавобларни бера олиши каби хусусиятлар назарда тутилади.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида, айниқса, педагогик таълим муассасаларида бағрикенглик ғояларини ёшлар онига сингдириш, бағрикенглик тамойиллари ва талабларини

қатъий равишда ўзлаштиришларига эришишда маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини бойитиш зарур. Ёшларда доимий равишда бағрикенгликка нисбатан иштиёқ ва рағбат үйғотиш зарур.

Ёшларни бағрикенглик рухида тарбиялаш соҳасида аниқ-равшан чора-тадбирларни амалга ошириш ва жамиятда бағрикенглик муҳитини ривожлантиришга құмаклашувчи маҳсус илмий тадқиқотлар үтказиш мұхим вазифалардандир. Ушбу вазифалар ўз навбатида қуидагиларни қамраб олади:

- жамиятда шаклланган бағрикенглик муносабатлари тузилмаси ва даражасини ўрганиш;
- дунёда ва мамлакатда амалга оширилған бағрикенглик онги таомилларини шакллантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш йўлида уларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилған дастур ва лойиҳаларни тадқиқ қилиш;
- мустақиллик йилларида давлатимизда қабул қилинған ва жамиятимизда бағрикенглик муносабатлари шаклланишига таъсир үтказған қонунчилик ва бошқарувчилик қарорларини ўрганиш;
- жамиятда бағрикенгликни шакллантириш ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлашга оид тавсиялар ишлаб чиқиши.

Юздан ортиқ миллій, маданий марказни бирлаштирувчи республика байналмилал маданият маркази ташкил этилғанлиги, мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва фуқароларнинг ўзаро тотувлиги муҳитини мустаҳкамлашга, миллій маданиятларни сақлаб қолиши ва уларнинг маънавий қадриятларини тарғиб қилишга, умуман, давлат билан миллій жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, воситаларини шакллантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Мазкур марказлар ўз маданиятини тарғиб қилиш соҳасидагина эмас, шу билан бирга миллатлараро муносабатда бағрикенгликни тарбиялаш соҳасида ҳам доимо кўпгина режаларни амалга оширмоқда.

Олий таълим муассасалари талаба-ёшларини бағрикенглик рухида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг педагогик мазмунин қуидаги омиллар бўйича аниқ йўналтирилған саъй-ҳаракатларга боғлиқ:

- бағрикенглик тамойилларини ёшлар тафаккурида шакллантириш таълим тизимининг устувор йўналиши эканлигини англаш;
- ёшлар тафаккурида бағрикенгликни шакллантириш мақсадида “Бағрикенг шахсни шакллантириш” Концепциясини яратиш ва амалиётга жорий қилиш;
- ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;
- ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш жараёнида таълим-тарбия тизими, маънавий-маърифий тадбирлар имкониятларидан оқилона фойдаланиш;
- таълим-тарбия тизимиға кўмакдош бўлган турли нодавлат институтлари имкониятларини бағрикенгликни шакллантириш ишларига мақсадли сафарбар этиш, мазкур фаолиятига оила, маҳалла, нодавлат тизимлар ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларини жалб этиш;
- бағрикенгликни тарғиб ва ташвиқ этишда оила анъаналари, миллий удумлар, Шарқ алломалари қарашлари ва тамойилларидан унумли фойдаланиш;
- ёшларда бағрикенгликни шакллантиришда маънавий-маърифий тадбирлар, таълим жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш, ўқув-услубий кўлланма ва дарсликлар, методик ишланмалар, дастурлар билан бойитиш;
- ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда олий таълим муассасаларининг ўқув ҳамда таълимдан ташқари маънавий-маърифий ишларидан унумли фойдаланиш, мазкур жараёнларда инновацион педагогик техонологияларни қўллаш самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида, айниқса, педагогик таълим муассасаларида бағрикенглик ғояларини ёшлар онигига сингдириш, толерантлик тамойиллари ва талабларини қатъий равища ўзлаштиришларига эришишда маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини бойитишзарур. Ёшларда доимий равища толерантликка нисбатан иштиёқ ва рағбат уйғотиш даркор. Ёшлар бугунги кунда бағрикенглик тамойиллари ва ахлоқисиз ўз ҳаётини тинч ва осуда ташкил қила олмайди.

Бағрикенглик руҳида тарбиялаш жараёнида таълимнинг фаол интерактив усулларидан фойдаланиш маъқулдир. Таълимнинг бу усуллари — ошкора муҳокама модели бўлиб, у ўқувчиларда баҳслашиш, мунозара қилиш ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш қобилиятини ривожлантиради, кўпгина фанларни ўқитишда педагогларга ёрдам беради. Болаларга таълим бериш ва педагоглар жамоаси муаммоларини ҳал этишга янгича ёндошиш учун ўз ўқувчилари ва педагогларнинг ҳурмати ортиб боришини ҳис қиласидар. Мазкур усуллардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг таълим дастурига қизиқиши ошади. Кичик гуруҳларда ишлаш, “ақлни чархлаш” ва бошқа усуллардан фойдаланиш асосий воситалар ҳисобланади.

Суҳбат орқали таълим бериш ўзгаларнинг нуқтаи назарини қабул қилиш ва қўллаб -қувватлаш, ҳалоллик ва очиқликка кўмаклашувчи муҳитни вужудга келтириш, рағбатлантириш ва раҳбарлик қилиш; ўқувчиларнинг тўла –тўқис розилиги ва ишончини қозониш маҳоратига асосланади.

Турли фанларга оид дарс жараёнларига бағрикенглик таълим тарбиясини сингдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, чет тили муаллими шу мақсадда ўқувчиларга ўзга тилдаги адабиёт билан ишлашни ўрганиш, уларнинг консерт дастури ва байрамларда ўз билимларини ижодий тадбиқ этиш қобилиятини намоён қилиш имконини яратади, ўқувчиларга ўз билимларини турли соҳаларда синаб кўриш, ўзга тилда сўзлашувчилар билан хат ёзишни, чет элликлар билан учрашишида ёрдам беради. Ана шундай тарзда ташкил қилинган машғулот ўқувчиларнинг маданиятлар мулоқотини йўлга қўйиш соҳасида хорижий ёшларнинг турмуш тарзи билан бевосита танишишларига кўмаклашиб, ахборотни маълум қилиш ва сўраб олиш, ундан фойдаланиш ва қайта ишлаш маҳоратини ривожлантиради. Ўқувчилар хорижий адабиётни тушунишдаги қийинчиликлардан қўрқмасликка, “маънони англаб олиш”га ўрганадилар. Бундай фаолият чет тили билан ижодий “муомала қилиш”, унинг гўзаллигини идрок этиш, ўзининг ижодий қобилиятини намоён қилишда ундан фойдаланиш қобилиятини вужудга келтиради.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб бағрикенглик тарбиясини ўқув жараёни билангина чекламасдан,

машғулотлардан ташқари вақтларда ҳам узлуксиз давом эттириш керак. Бунинг учун “бағрикенглик” мавзусида турли тадбирлар, анжуманлар, спектакллар, ижодий қўрик танловлар ўтказиб туриш мумкин. Масалан, адабий танлов ўтказиб, қатнашчиларга “Сиз бағрикенгликни қандай тушунасиз?” деган мавзуда иншо ёзиш таклиф этилади. Ёки, фото танлов ўтказилиб, ҳар бир муаллифнинг “Дунёнинг қиёфаси” ёки “Инсоният — бағрикенглик йўлида ” мавзуидаги фото суратлар туркуми яратилади. Тарихчи талабалар ўртасида маданиятларнинг ўзаро таъсирини, бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ва замонавий муаммоларини тасвирлайдиган энг яхши музей композитсиясини яратишга бағишлиланган танловлар ўтказилади. Миллий маданият марказларнинг иштирокида давра сұхбатлари ўтказиши, “Жаҳон мусиқаси ” туркумли кечалари, “Бағрикенглик мактаби” мавзуидаги мунозара ва шу каби тадбирларни ўтказиши катта қизиқиши уйғотиши мумкин. Маданиятлараро мұлоқотга бағишлиланган ўзига хос клублар яратиш айникса фойдали бўлади. Унда турли миллат кишиларини мұлоқотга, муайян этнос маданиятини чукурроқ англашга қизиқтирадиган ўзига хос этник тақдимот ўтказилади.

Бундай тадбирлар турли маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига ёрдам беради. “Бағрикенгликка саёҳат ” деб аталган маҳсус тарихий этнографик тадбир ҳам ўтказилиши мумкин. Нихоят, ёшларнинг маҳсус ёзги оромгоҳи ташкил этилади, унга турли танловларнинг ғолиблари бориб, бағрикенглик тарбияси масалаларига бағишлиланган маҳсус тренинг (машқлар) ўтказадилар.

Мустақил Ўзбекистон эришган ютуқлар, унинг ніхоятда бой тарихий мероси, маданияти ва санъати бутун дунёда доимий қизиқиши уйғотиб, сармоядорлар ва саёҳатчиларни ўзига жалб қилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистан Республикаси фуқароларининг тафаккури, турмуш тарзи ва феъл-аворидаги бағрикенглик тамойиллари шубҳасиз мұхим ўрин тутади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришлар, кенг қўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳалқимиз ҳаётини янада обод ва

фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама этук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат.¹

Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барча имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни тақазо этади. Жаҳон халқарининг илғор маданияти миллий маънавиятимизни янада юксак даражага кўтаришга ижобий томонларидан қанчалик фойдаланмайлик, бари бир ўзбек миллий қадриятлари маънавий камолотимизнинг асоси бўлиб қолади.

Демак, шахс маънавиятини шакллантириш ва бойитиш бугун бутун таълим тизимида фаолият олиб бораётган тарбиячилардан чуқур билимга эга бўлишни ва ёшлар ўртасида таълим ва тарбияни узвий равишда олиб бориш салохияти ва маънавиятига эга бўлишни талаб этади. Бугун олдимизга қўйилган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш мамлакатимиз тараккиёти ва унинг интеллектуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Бу вазифани амалга оширишда таълим тизимининг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оиласпарварлиги билан ажралиб турди. Албатта фарзандга меҳр қўйиш, уларни қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлиқ чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлок-одоб, юксак маънавият асосида вояга этказиш биз учун доимо долзарб ахамият касб этиб келган. Бу ишга юртимизнинг барча зиёлилари, ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, барча раҳбарлар бирдек масъулдирлар. Мамлакатимизда таълим-тарбияни хозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак баркамол ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Келажак авлод ҳакида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаш ўзбек халқининг миллий хусусиятидир.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Маънавий-маърифий тадбирлар неча турга бўлинади?

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” 2017й. 412-бет

2. Маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилишда нималарга эътибор бериш керак?
3. Ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти қандай?
4. Бағрикенглик деганда нимани тушунасиз?
5. Бағрикенглик руҳида тарбиялашда дарсдан ташқари қандай маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш мумкин?

МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ.

Режа:

- 1. Маънавий - маърифий ишларни ташкил этиш методикаси.**
- 2. Маънавий - маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш омиллари.**

Таянч сўз ва иборалар: методика, умумхалқ байрамлари, миллий қадрият, умуминсоний қадрият, бағрикенглик, тадбир ценарийси, самарадорликни ошириш мезонлари, кўрик-танлов, “Бағрикенг Ўзбекистон”, “Ўзбекистон –умумий уйимиз”, тарбия жараёни, дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар, мавзунинг долзарблиги, эришилган натижа.

1. Маънавий - маърифий ишларни ташкил этиш методикаси.

Таълим тизимида маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтирилганлигини таъминлаш таълим муассасалари раҳбарлари, аввало, ўқув юрти раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг вазифасидир. Маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

- маданий-маърифий тадбирларда юқори интерактивликка эришиш;
- ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини ташкил этиш; – тадбирга комплекс ёндашиш;

– тадбирнинг маънавий-ахлоқий, миллий, тарбиявий рухда бўлиши;

– инсон ва жамият манфаатларига уйғунлиги.

Маданий-маърифий тадбирларнинг маънавий-ахлоқий тарбиядаги аҳамиятини тадқиқ этиш, аввало, шу атама ва унга турдош бўлган «маънавий-маърифий тадбирлар», «маданий тадбирлар», «бадиий-оммавий тадбирлар», «оммавий тадбирлар», «бадиий тадбирлар» сингари атамаларнинг мазмун доираси ва моҳиятини аниқлашни тақозо этади. «Маданий-маърифий тадбирлар» хақида сўз борганда, маданий-маърифий муассасаларда, ўкув, маданият, санъат муассасаларида «Маънавият ва маърифат» кенгашлари томонидан олиб бориладиган, кўпроқ аниқ маънавият ва маърифат мавзуларига бағишланган тадбирларни тушуниш мумкин. Педагоглар ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг билимдонлигини ошириш ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадида тарбиявий ва маданий-маърифий ишни ўзвий ҳолда ташкил қилишлари талаб этилади. Таълим муассасаларида олиб бориладиган маданий-маърифий иш аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик жараёнга сингиб кетган бўлиши лозим. Масалан, талабаларни қандай қилиб бағрикенглик руҳида тарбиялаш кераклигини аниқ режалаштирмай туриб, улар орасида бу борадаги тарбиявий ишни самарали олиб бориб бўлмайди. Бу борада иш олиб борадиган ҳар бир педагог шу тарбиянинг моҳияти, усуллари, шакллари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур. Бағрикенгликни миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ахлоқнинг бурч, виждон, ор-номус каби бир қатор категориялари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади, мафкурага алоҳида аҳамият берилади. Бу тарбиянинг мазмунини миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари - ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик ташкил этади. Бу жараёнда бағрикенглик қуидаги функцияларни бажаради:

– кишилар ўртасидаги турли муносабатларни мувофиқлаштириш;

– кишилар фаолиятининг инсонпарвар қадриятлари ва мўлжалларини белгилаб бериш;

– шахсни ижтимоийлаштиришни таъминланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Бағрикенглик ғояларини сингдиришга йўналтирилган маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилувчи педагог талабаларда ўзини-ўзи тарбиялашни йўлга қўйиши учун уларга истиқболни аниқ кўра билишларида, унга эришиш йўлларини излаб топишида, юксак идеалларга эга бўлишларида ёрдам бериши ва имконият яратиши лозим. Бу борада педагог маданий-маърифий тадбирлар орқали талабаларда халқимизнинг қўйидаги миллий хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутиши керак. Шунингдек, маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилишда ва ўтказишда педагог қўйидаги умумбашарий қадриятларга асосланиб сценарийлар яратиши мақсадга мувофиқдир. Улар қўйидагилар:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-хуқуqlари ва хурфикрлилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Маданий-маърифий тадбирларни интерактив тарзда ўтказиш билан бирга, бу тадбирларнинг бағрикенглик руҳида бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундай қилинганда бу тадбирлар талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялашга хизмат килади. Зоро, миллатни миллий тарбия шакллантиради. Миллий тарбия халқ педагогикасининг муҳим йўналиши ҳамдир. Маданий-маърифий тадбирлар мазмунмоҳияти билан миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий маънавий меросимиз, миллий ғоя ва мафкурамизга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида» ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, муқаддас Қуръон ва Хадислардан иборат ислом дини таълимотига асосланиб, таяниб тайёрланиши ва ўтказилиши лозим. Таълим тизимида олиб борилаётган маданий-маърифий тадбирларни қўйидаги икки турга бўлиш мумкин: Бевосита таълим жараёнида ўтказиладиган тадбирлар. Уларга маданий тадбирларнинг маъруза, семинар,

амалий машғулот каби дарс шаклларида фойдаланиладиган турлари киради. Тадбирларнинг бу туридан фойдаланилганда дарс машғулотлари давомида монологлардан, инсценировкалардан, бадий асарлардан, видео ва аудио ёзувларидан парчалар келтирилади. Бу тадбирлар ўрганилаётган предмет, курс ёки фанни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга бу тадбирлар талабаларга дарс жараёнида қисқа муддатли ҳордиқ бериш функциясини ҳам бажариши мумкин. Дарсдан ташкари вақтларда ўтказиладиган тадбирлар. Уларга мавзули кечалар, ўткир зеҳнлилар баҳслашувлари, ижодий учрашувлар, илмий баҳслар, дам олиш кечалари, мунозара, илмий ва ижодий конференция, театрлашган концерт, оммавий томоша, сайил, байрам, карнавал, кўрик-танловлар, саёҳат, экскурсиялар, олимпиада, кўргазмалар, қизиқарли ўйинлар, бадий-спорт тадбирлари, бадий ҳаваскорлик тўгараклари ва бошқалар киради. Маданий-маърифий тадбирларнинг бу икки тури бир-биридан фақат ўтказиладиган вақти билан фарқланмайди. Уларнинг мақсадлари ҳам турлича. Машғулотлар жараёнида ўтказиладиган тадбирларнинг мақсади шу машғулотда ўрганилаётган мавзуни чуқурроқ англаш, яхшироқ эслаб қолишга хизмат қилишdir. Дарсдан бўш вақтларда ўтказиладиган тадбирлар ўқув режасидаги муайян бир мавзуга эмас, балки барча курс ва факультет талабалари учун умумий бўлган йўналишда ўтказилади. Булар жумласига мавзули кечалар, ўткир зеҳнлилар баҳслашувлари, ижодий учрашувлар, илмий баҳслар, дам олиш кечалари, мунозара, илмий ва ижодий конференция, театрлаштирилган концерт, оммавий томоша, сайил, байрам, карнавал, кўрик-танловлар, саёҳат, экскурсиялар, олимпиада, кўргазмалар, қизиқарли ўйинлар, бадий-спорт тадбирлари, бадий ҳаваскорлик тўгараклари ва бошқалар киради. Бу тадбирларда кўнгил очиш кўпроқ ўрин эгаллайди. Лекин, одатда бу тадбирларда мазкур ўқув юрти хусусиятлари, йўналиши ҳам муайян даражада акс этади. Олий таълим муассасаларидаги маданий-маърифий тадбирларнинг педагогик салоҳияти ва самарадорлиги юқори бўлишини таъминлайдиган яна бир омил ўқув юртла-ридаги ўзига хос маънавий-руҳий иқлиmdir. Концерт заллари, истироҳат боғлари ва маданият саройларида ўтказиладиган тадбирларда турли ёшдаги, касбдаги турли

ижтимоий мавқега эга бўлган ёшлар қатнашадилар. Тадбирларга тўпланган бу ёшлар ўртасида яқин маънавий-руҳий алоқалар ёки бирлик тўғрисида сўз юритиш қийин. Ўқув юртларида таълим олаётган талабалар ўртасида эса ўзаро маънавийруҳий яқинлик мавжудки, бундай ҳолат уларнинг ёшлари, қизиқишилари, мақсадлари бир-бирига яқин экани билан изоҳланади. Ана шундай яқинлик маданий-маърифий тадбирларнинг педагогик самарадорлиги юқори бўлиши учун замин яратади. Бундай имкониятдан фойдаланиш эса фақат ёшлар билан ишлаш бўйичадекан ўринбосарларининггина эмас, балки шу ўқув муассасасида фаолият олиб бораётган барча педагогларнинг муҳим вазифасидир.

Маънавий- маърифий ишлар тизимида анъанавий тадбирлар, умумхалқ байрамларининг ўтказилиши, машҳур давлат ва фан арбоблари, миллий меросимиз намоёндаларининг таваллуд кунларини нишонлаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Ватанимиз мустақиллиги куни, Конституция куни, миллий армиянинг ташкил топган куни, Хотира ва қадирлаш куни, Наврӯз байрами, диний байрамлар, ёшлар ва олий ўқув юрти ҳаётига доир анъаналарни нишонлаш муҳим манба ҳамда фаоллаштирувчи восита ҳисобланади. Тарбиявий ишлар тизимида анъанавий тадбирлар талабаларни янада жипслаштиради, фаоллаштиради ва уларда бағрикенглик руҳини шакллантиришда ёрдам беради.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия жараёнини ташкил қилиш асосига илфор миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросимлар, байрамлар ва бошқалар қўйилиши мақсадга мувофиқ. Уларни ташкил этишда ва ўтказиша тарбия технологияларидан ёки интерфаол усуллардан фойдаланиш, шакланаётган мутахасисда ўз юртига меҳр-муҳаббат, оиласпарварлик, касбий фидойилик ва садоқатни рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Тарбиявий жараён олий таълим муассасаларида ўзига хос аҳамият касб этади. Замонавий олий ўқув юртларида бугунги кунда профессор ўқитувчилар узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, психологик муносабатларини ўзгартириши, шунингдек, бошқаларда ҳам инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиш зарур. Профессор-

ўқитувчилар бундай фаолиятга алоҳида тайёргарлик кўриши керак бўлиб, бу ўз навбатида олий таълим муассасаси раҳбаридан асосий эътиборни тарбия жараёнини илмий асосда жорий этиш ва уни бошқаришга қаратишни талаб этади. Бунда гурӯҳ мураббийидан тортиб университет проректори даражасигача бўлган бўғинларда ўқитувчиларнинг касбий қизиқишилари кўламини кенгайтиришга, яъни уларнинг методик адабиётларни ўқиб ўрганишдан то назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришига ҳам имкониятлар яратади.

Талабаларда бағрикенглик ғоясини таълимдан ташқари ишлар орқали сингдиришнинг асосий вазифалари сифатида қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйфотиш;
- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимиз бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, ўстириб бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;
- бағрикенглик, инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир -бирини тушуниш, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга қарши кураша олиш), муомала одоби каби тарбия воситаларини кенг қўллаш;
- одамлар билан ўзаро муносабат –мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, талабаларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадхиясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;
- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш;
- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш;
- ёшларни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Дарсдан ташқари маънавий- маърифий ишларни ташкил этишда: танловлар, клублар, бадиий ҳаваскорлик, учрашувлар, баҳслар, спорт мусобақалари, давра сұхбатлари тренинглар ва х.к., усуллари: ишонтириш, намуна күрсатиш, ўрганиш, машқ қилдириш, рағбатлантириш, иллатларга салбий муносабат билдириш, мунозаралар, кузатиш, тренинг, жамоавий ижодий фаолият, “мағкуравий вазият” ҳаракатли, тақлидли, ролли үйинлар ва х.к.лардан самарали фойдаланиш лозим.

Тарихий жойлар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар билан танишиб, уларни ўрганишга талабаларни жалб этиш лозим. Шаҳар, вилоят ва республика маънавият-маърифат марказлари, олийгоҳлар, музейлар, саёҳат муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш керак.

16-ноябрь “Халқаро бағрикенглик куни” муносабати билан олий таълим даргоҳларида “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Ўзбекистон – бағрикенг диёр”, “Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи” каби мавзуларда турли маънавий- маърифий тадбирлар, ташкил этиб, уларда талабаларни фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари билан учрашувлар ташкил қилиш, талабалар билан миллий – маданий марказларга ташриф буюриб бошқа миллат вакилларининг маданияти, урф-одат ва анъаналарини, қадриятларини ўрганиш талабаларни бағрикенглик рухида тарбиялашда асос бўлиб хизмат қиласи.

Учрашувлар, танишувлар, кўргазмалар, кўрик- танловлар, фестиваллар ташкил қилиш ёшларни бағрикенглик рухида тарбиялашда, миллий ғояни ёшлар онгиға сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар севган адиллар, олимлар, санъат соҳаси вакиллари, ҳарбийлар, ҳуқуқ органлари вакиллари, спортчилар, Ватан қаҳрамонлари билан учрашувлар ҳаёт тажрибалари ҳақида жонли мулоқот юритишга имкон беради. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, ватанпарварлиги, бағрикенглиги ёшларга ибрат бўлади ва уларни шу йўсинда яшашга ундейди.

Олий таълим муассасаларида ҳар ҳафта мулоқот соатлари, мураббийлик соатлари ўтказилади. Маънавият кунлари тадбирлари ҳар ойда ўтказиб борилади. Талабаларни бағрикенглик рухида тарбиялашда таълим муассасаларида

“маданият ҳафталиклари” ёки “маданият ойликлари” ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан: “рус маданияти ҳафталиги”, “қозоқ маданияти ҳафталиги” ёки “корейс маданияти ҳафталиги” ни ташкил қилиниб, талабалар ҳар бир ҳафталикларда маълум бир миллатнинг миллий қадриятларини, таомларини, ливослари, миллий ўйинларини ўрганиб ҳафта охирида факултет миқёсида маънавий-маърифий тадбир ўтказиб ўз билим ва иқтидорларини намойиш қиладилар. Бундай маданият ҳафталикларида талабалар ўзаро гуруҳ бўлиб изланиб миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий рақслари, куй қўшиқларини ўрганиб, сахна чиқишлиари тайёрлаб тадбирда ўз истедодларини намойиш қиладилар.

Турли миллат вакилларининг ижодий тадбирлари, бадиий кўргазмалари, бир томондан, айни миллатнинг Ўзбекистон фуқароси сифатида ўз ўрни борлигини кўрсатса, иккинчи томондан, шу заминда яшовчи барча миллат-ларнинг Ўзбекистон халқи - Ўзбекистон фуқароси эканлигини намоён этувчи, мустаҳкамловчи миллий ғоя атрофида бирлашувига олиб боради.

Юқорида билдирилган фикрларга хulosа тариқасида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат равнақи, унинг эртанги порлоқ келажагини яратадиган ёшлар қалбига миллий қадриятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маънавий мероси анъаналарини чуқур сингдириб уларни ватанпарварлик, бағрикенглик руҳида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ота-она қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бунинг учун имкониятлар етарли, фақат ҳар биримиз бу маъсулиятни чуқур ҳис этиб, куч – ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим.

Бундай эътибор, талабалар қалбида инсонийлик уруғларининг унишига, катта хаёт йўлида баркамол инсон бўлиб этишишларига ёрдам беради.

2. Маънавий - маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш омиллари

Ҳар бир тадбирдан кўзланган мақсад бўлади. Ана шу мақсадга эришилган и ёки эришилмагани унинг натижадорлик даражасини белгилаб беради. Агар тадбирдан сўнг маълум бир муддат давомида мақсадга эришилса, демак, тадбир ўз

самарасини берган бўлади. Шунинг учун ҳар бир тадбирни ўтказишида тадбир самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган воситаларга катта эътибор бериш керак. Тадбир самарадорлигининг асосий мезонлари қуидагилар:

Тадбир мавзусининг долзарблиги – тадбирнинг нега, нима учун айнан шу мавзуда, шу вақтда шу қатнашчилар таркиби билан ўтказилиши асосланган бўлиши зарур. Тадбир мавзусининг долзарблиги бугунги кунда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг “Харакатлар стратегияси” давлат дастури, Президентнинг беш ташабbusи доирасида амалга оширилиши билан аҳамиятлидир.

Мавзу номи – қисқа, жарангли, эътиборни тортадиган бўлиши, қатнашчиларнинг ёши, касби, манфаатларига, худудий хусусиятларга мос маънавий –маърифий муаммолардан бирини ҳал этишга қаратилиши керак.

Мақсаднинг ифодаланиши – тадбирнинг мақсади қатнашчилар билиб олиши керак бўлган асосий фикрлар тезис шаклида аниқ ёзилган бўлиши керак. Тадбир мақсади акс эттирилган шиорлар, ҳаволалар слайдларда, тадбир баннерларида акс эттирилиши керак.

Тайёргарлик кўриш муддати - тадбир мавзуси ва ўтказилиш тартиби бир ҳафта олдин барча қатнашчиларга элон қилиниши, ташкилотчилар ва иштирокчилар тадбир учун зарур бўлган воситаларни, чиқишлиарни тайёрлашлари керак.

Тадбир ценарийси - тадбир ценарийси бир ой олдин тузилиб, масъуллар билан келишилган ҳолда ценарийда сўзга чиқувчиларни ва савол –жавоблар учун вақтни аниқлайдилар. Тадбир неча қисмдан иборат бўлиши, назарий ва бадиий қисм қандай ташкил этилиши келишиб олинади.

Тадбирнинг қизиқарлилиги - қатнашчиларни толиқтирмаслик, уларни диққатини жалб қилиб фаоллаштириб туриш, томошабинларни эътиборини тортадиган усул ва воситалардан кенг фойдаланиш керак.

Аудитория – Ташкилотчилар билан қатнашчилар орасидаги мулоқот, ўзаро мурожаат учун қулай, самимий муҳит таъминланиши, қатнашчиларнинг тадбир мавзуига тайёрланиб келишлари лозим.

Кўргазмали воситалар – Ҳар бир мавзу бўйича камида учта кўргазмали воситадан фойдаланилиши керак. Кўргазмали

воситалар тадбирни маъно мазмунини ёритишда ёрдам беради ва тасирчанлиги ва самарадорлигини оширади. Кўргазмалар ёрқин, эътиборни тортадиган, тадбир мазмун моҳиятини ўзида мукаммал акс эттириши тадбирни мазмунли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Эришилган натижа – қатнашчилардан ушбу тадбирдан қандай билим ва таассурот олганлиги ҳақида сўраш, олган янги билимларини қачон, қандай вазиятларда қўллашни айтиб бера олиши керак. Натижа тингловчиларнинг фоизи, улардан олинган тўғри ва нотўғри жавоблар сонидан келиб чиқиб баҳоланади. Иштирокчиларнинг тадбирдан катта таассурот олиши ва уни амалиётда қўллаши тадбирни натижага эришганидан далолат беради.

Хужжатлаштириш – тадбирнинг баёнида: мақсад, тезислар, айтилган фикр- мулоҳазалар, берилган савол, олинган жавоблар, ютуқ ва камчиликлар, хуроса, тавсиялар ёзилиб, имзоланиб, сакланади.

Тадбир ушбу мезонлар орқали баҳоланади. Берилган баҳолар орқали тадбирнинг самарадорлиги аниқланади.

Мисол учун “Бағрикенг Ўзбекистон” номли маънавий – маърифий тадбирни ташкил қилиш учун биринчи навбатда тадбир маънавий-маърифий ишлар режасида акс эттирилиши керак. Тадбирни қаерда, қачон қандай ташкил қилиш режада ўз ифодасини топади. Бу мавзудаги тадбирни 16-ноябрь “Халқаро бағрикенглик куни” муносабати билан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чунки, Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Тадбир ноябрь ойида режалаштирилганидан сўнг тадбир ценарийси тузилади. Ценарийда масъуллар билан келишилган ҳолда сўзга чиқувчилар аниқлаб олинади. Тадбир мазмунли ва самарали бўлиши учун миллий маданий марказларнинг аъзолари тадбирга таклиф қилинади. Ҳар бир миллий маданий марказ ўзининг кўргазмали бурчакларини ташкил қиласи. Ўзининг миллий рақслари, куй-қўшиклари билан иштирок этади. Бағрикенглик, ватанпарварликни матҳ этувчи, Ўзбекистон умумий уйимиз

мазмунидаги сахна чиқишлари намойиш этилади. “Бағрикенг Ўзбекистон” мавзуидаги тадбирнинг бир қисми сифатида расмлар кўргазмаси ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Расмларда иштирокчилар Ўзбекистонда барча миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаётганини тасвирлайдилар. Тадбир сўнгида тадбирда фаол иштирок этган иштирокчилар, ўз иштироклари билан тадбирни мазмунли ўтишига ҳиссасини қўшган миллий маданий марказ аъзолари, расмлар кўргазмасида иштирок этган ёшлар тақдирланадилар.

Маънавий – маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларига қуидагиларни киритишимиз мумкин:

- барча босқичдаги таълим муассасаларида маънавий – маърифий ишларни тизимли ташкил этиш;
- маънавий – маърифий тадбирларни ташкил этишнинг молиявий манбаларини таълим муассасаларининг йиллик харажатлари рўйхатида аниқ белгилаш;
- таълим муассасаларини маънавий – маърифий адабиётлар, тарғибот материяллари, мультимедия маҳсулотлари билан таъминлаш;
- маънавий – маърифий ишларга масъул раҳбар ва ходимларнинг моддий ва маънавий мавқеини мустаҳкамлаш;
- олий таълим муассасалари ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича проректорларини масъулиятини ошириш;
- олий таълим муассасаларидаги “Маънавият ва маърифат” бўлимларининг Низомини такомиллаштириш ва унинг асосида самарали ишларни йўлга қўйиш;
- марказий ва ҳудудий давлат ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, масъул ходимларининг маънавий – мафкуравий билим даражаси, сиёсий саводхонлигига алоҳида эътибор қаратиш.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда маънавий – маърифий ишларни кучайтириш энг долзарб вазифалардан биридир. Чунки, улар Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилувчи тушунчалардир.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Методика нима?

2. Маънавий –маърифий тадбирлар ташкил қилиш методикаси нималардан иборат?
3. Тадбирларни самарадорлигини ошириш вазифалари нималардан иборат?
4. Тадбир самарадорлигининг асосий мезонларини санаб беринг.
5. Тадбир мавзусининг долзарблиги қандай аҳамиятга эга?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги” Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. 1997 й 29 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5046-сон Фармони. 2017 йил 19 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони. 2017 йил 5 июль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ПҚ-3160-сон Қарори. 2017 йил 28 июль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сон Қарори. 2018 йил 5 июнь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим –тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14- августдаги ПҚ-3907-сон Қарори.

- 8.** “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 736-сон Қарори. 2018 йил 17 сентябрь.
- 9.** Миллий маънавий тикланиш Концепцияси. 1992йил.
- 10.** Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1059-сон Қарори. 2019 йил 31 декабрь
- 11.** Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси, Париж. 1995 йил.
- 12.** **Ш.М.Мирзиёев.** “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз” Тошкент, “Ўзбекистон” 2017й
- 13.** **Ш.М.Мирзиёев.** Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017й.
- 14.** Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т; “Маънавият”, 2008й.
- 15.** Баркамол авлод орзуси- Т; “Шарқ”, 1999й
- 16.** Умумий педагогика . -Т : “ Фан ва технология”, 2018й.
- 17.** Педагогика. А.Қ.Мунавваров таҳрири остида.-Тошкент.: Ўқитувчи, 1996.
- 18.** **Бегматов А., Рустамова Р.** Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. –Т.: «Маънавият», 2007.
- 19.** **Белолева Г.В., Шмелева Г.М.** Толерантность в педагогике. – Москва. 2002й.
- 20.** **Имомназаров М., Эшмуҳаммедова М.** Миллий маънавиятимиз асослари. - Т; Тошкент Ислом Университети, 2001й,
- 21.** **Ибрагимов X, Абдуллаева Ш.** “Педагогика назарияси”. Т.; “Фан ва технология” нашриёти. 2008 й.
- 22.** **Муртазаева Р.** Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.- Т;“Университет”.2007й
- 23.** **Мусурмонова О.** Талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш. –Т.: Фан. 1993.
- 24.** **Риэрдон Б. Э.** Толерантность – путь к миру. –М.: Изд-во «Бонфи», 2001. **25.** **Тўраев Ш.** Маънавий- маърифий ишлар ва уни ташкил қилиш методикаси. - Т.; “Paradigma”. 2017й.
- 26.** **Холиков Э, Сиддиков Б, Рустамов М, Мирзаев А.** «Қалбан улғайиш даври» Т; «Extremum press» 2011й.

- 27.** Қурунов М. ва бошқалар. Тадбир самарадорлигининг ўн шарти.- Т.: «Истиқлол», 2006
- 28.** Миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онгига сингдиришнинг педагогик технологиялари.- Т.; “Сано-стандарт”.2008й.
- 29.** Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.; Faфур Гулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи. 2013 й.

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг мањнавий-мањрифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбida Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Мањнавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик харакатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оиласвий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** энг аввало, давлат бошқарув органларининг қуи бўғинлари фаолиятини

тубдан яхшилаш, уларнинг ҳалқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг қўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шахар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиши, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда — Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказ фаолиятини ташкил этишда қуйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратисин:

мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат «Маърифат» тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиши;

дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оиласий қадриятлар ва ёшлар

тарбиясига эътиборсизлик каби холатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиши мунтазам йўлга қўйиш;

ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, Интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асрраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равища ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиласидар.

4. Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча хуқуқ ва мажбуриятлари бўйича хуқуқий вориси ҳисобланиши инобатга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг намунавий тузилмалари **1 — 4-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансан.

6. Марказ раҳбарига унинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ раҳбари мақоми, майший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш шарт-шароитларига кўра — вазирга, Марказ раҳбарининг биринчи ўринbosари ва ўринbosари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган иш ҳақи, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказ ҳамда «Тафаккур» ва «Маънавий ҳаёт» журналлари таҳририятини жойлаштириш учун бино ажратиш бўйича таклиф киритсин.

9. Марказ бир ой муддатда ўз Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсан, 2018 йилдан бошлаб эса —

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Марказга 5 та автотранспорт воситасини, жумладан, 3 та хизмат кўрсатадиган, 1 та навбатчи ва 1 та маҳсус автобусни сақлаб туриш учун ҳамда Марказнинг ҳудудий бўлимларига жами 14 та хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситасини сақлаб туриш учун лимит ажратсин.

11. Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Марказ, ҳудудий бўлимлар ва бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказ манфаатдор вазир ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Маърифат» тарғиботчилар жамияти лекторлари фаолиятини молиялаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказни зарур телекоммуникациялар, Интернет ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси, жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари икки ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмаларини белгиланган тартибда зарур хизмат хоналари, мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва Интернет тармоқлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Республика Маънавият ва маърифат маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. Султонов, Р. Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент ш.,
2017 йил 28 июль,
ПҚ-3160-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ИШЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон **Фармони** ва «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон **қарорида** белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг маънавий-маърифий, маданий савиясини мунтазам ошириб бориш, уларнинг ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчасида жойлашган собиқ «Фудзияма» кафеси биносини тегишли ҳудуди билан бирга (кейинги ўринларда объект деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш, шунингдек, мазкур объектда Марказ таркибидаги Талабаларнинг медиа ижтимоий фаолияти ва маданий дам олиш масканини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчиларини юртимиз ҳамда дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий, хусусан, ёшлар ҳаётига оид воқеалар, янгиликлар ва қизиқарли маълумотлардан тезкор хабардор қилиб, уларнинг вақтини мазмунли ўтказишга мўлжалланган виртуал ахборот макони (веб-сайт, портал, форум, мессенжерлардаги каналлар ва ҳ.к.)ни яратиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш;

талаба ва ўқувчиларда китобхонлик ҳамда мутолаа маданиятини шакллантириш орқали уларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга қаратилган ишларни ташкил этиб бориш;

ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари бўлган талаба ва ўқувчилар ҳамда уюшмаган ёшлар ўртасида уларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий акциялар, тадбир ва танловлар ташкил этиш, уларда миллий контентга бўлган қизиқишиларини оширишга қаратилган блоггерлар клуби фаолиятини йўлга қўйиш;

ўқиши ёки иш юзасидан хорижда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мунтазам виртуал алоқани йўлга қўйиш ва улар билан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш;

олий ва ўрта махсус таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим билан боғлиқ долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини таҳлил қилиш ҳамда ёритиб бориш мақсадида пресс-клуб ташкил этиш ва унинг доимий фаолиятини таъминлаш;

ёшларнинг бепул маданий дам олишларига қаратилган тадбирлар ташкил этиш, театр томошалари намойиш этиб борилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш;

талаба ва ўқувчилар туризмини ривожлантириш, ёш авлодни мамлакатимизнинг тарихий жойларига ва буюк аждодларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига доимий ташрифларини уюшириш;

олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўтказиладиган «Ахборот ва мураббийлик соатлари»ни методик таъминлаш ҳамда турли мавзуларда мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарқатиб бориш;

профессор-ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини мунтазам йўлга қўйиш;

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида оммавий, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва турли мусобақаларни ўтказиб бориш.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг тузилмаси **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари дастури **2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирига, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига тасдиқланган ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуки берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари дастурида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш чораларини кўрсин;

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари талabalari ва ўқувчилари, шунингдек, меҳнат ва ўқув жамоалари

ўртасида спорт турлари бўйича мусобақалар ва марафонларни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратсин;

талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда тўгарак раҳбарларининг фаолиятини мониторинг қилиш натижаларига кўра, уларни тегишли таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда моддий ва маънавий рағбатлантириб бориши мувофиқлаштиурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Марказнинг янги таҳрирдаги уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Марказни зарур ихтисосликка эга бўлган малакали кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрсин;

Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талаба ва ўқувчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказиладиган оммавий-маданий, спорт-соғломлаштириш ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдалансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мурожаатига асосан уни зарур телекоммуникациялар, Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузурида «Маънавият ва маърифат» марказини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 12 январдаги 11-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-2-сон, 9-модда) **4-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ
Тошкент ш.,
2018 йил 17 сентябрь,
736-сон

“БАГРИКЕНГЛИК-ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ”

номли тадбир сценарийси.

(16-ноябрь “Халқаро бағрикенглик куни”га бағишиланган)

Тадбирни ўтказишда, албатта, олдиндан тайёрланган фотосуратлар ва видеороликларни экранда намойиш этиш учун проектордан фойдаланилади.

Биринчи қисм.

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграйди.

(1-бошловчи): Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар! *(экранда: тадбир номи ва саломлашии сўзлари).*

(2- бошловчи): Хайрли кун, азиз ота-оналар ва талабалар!

(1- бошловчи): Биз сизларни Халқаро Бағрикенглик куни билан чин қалбдан табриклаймиз! Тадбиримизга хуш келибсизлар!

(2- бошловчи): Тадбиримизни буюк хитой файласуфи ва мутафаккири Конфуцийнинг сўзлари билан бошлишни хоҳлардик: “Инсонийлик дегани - бу ўзгаларни ўзингни ҳурмат қилгандай эъзозлаш, бошқаларга худди ўзингга раво кўрадиган муносабатда бўла олишга ҳаракат қилишдир.” *(экранда: мавзуга доир слайдлар).*

(1- бошловчи) Халқаро Бағрикенглик куни. Сиз тақвим сахифаларини вараклаб ушбу кунда қандай байрамлар, унутилмас сана ёки воқеалар содир бўлишига эътиборингизни қаратасизми?

(2- бошловчи): Менимча, сиз байрамлар кўплигини, нафақат барча интиқ бўлиб кутадиган ва нишонлайдиган Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни ёки Наврўз байрами, балки

кўпчилигингиз биринчи марта эшиштаётган байрамлар ҳам борлигини сездингиз.

(1- бошловчи): Модомики ушбу воқеа, айниқса, ҳафтанинг ўртасида ҳамда дам олиш куни бўлмаса, сиз унга умуман эътиборингизни қаратмайсиз ҳам.

(2- бошловчи) : Нима бўпти, бошқа саналар каби оддий сана деб ўйлашингиз мумкин, лекин унутилмас сана ва ҳалқаро кунлар орасида, БМТ тақвимида 150 дан ортиқ, ҳар биримизнинг алоҳида эътиборимизга лойиқ бўлган кун - бу бутун дунёда ҳар йили 16 ноябрда нишонланадиган Ҳалқаро Бағрикенглик кунидир.

(1-бошловчи): Ушбу сана бежиз танланмаган. Айнан шу куни 1995 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг резолюцияси билан Бағрикенглик принциплари декларацияси ва ҳаракатлар дастури қабул қилинган. 1996 йилда Бош Ассамблея БМТ га аъзо давлатларга 16 ноября Халқаро Бағрикенглик кунини нишонлаш таклифини берган.

(2- бошловчи): Декларациядаги бағрикенглик деганда “Дунёдаги ранг-баранг бой маданиятни, инсон шахсиятини ва ўзини намоён этиш шакл ва усусларини тўғри тушуниш, қабул қилиш ва ҳурмат қилиш тушунилади. Декларация “одамлар ўз табиатига кўра ташки кўриниши, мавқеи, нутқи, хулқ-атвори ва қадриятлари турлича эканлиги, тинчликда яшаш ва шахс сифатидаги ўзига хос хусусиятларини саклаб қолишининг тан олинишини” эътироф этади.

(1-бошловчи): Декларация 6 моддадан иборат бўлишига қарамай, бутун дунё ҳамжамияти учун унинг қабул қилиниши жуда муҳим ҳисобланади, чунки бугунги кунда барчамизда этишмаётган нарса – бу бағрикенглиkdir. Барчамиз бутун жаҳон кишилари қайси давлатда яшашидан, миллатидан, эътиқодидан қатъи назар бир-бирларини тушунишини ва дўстона муносабатда бўлишини истаймиз.

(2- бошловчи): Бағрикенглик сўзи нимани англатади?

Агар кимдир мендан сўраса, шундай жавоб берган бўлардим: бу бутун эр шари, сайёрада турган барча нарса.

Бағрикенглик – бу бутун дунёдаги одамлар, турли миллат, эътиқод, тақдир вакиллари, ниманидир кашф қилувчилар, биргаликда қувонувчилар.

Сизга қон-қардош бўлмаган, терисининг ранги бошқача одамлар хафа қилиши мумкин деган қўрқувга ҳожат йўқ.

Ўз юртимда мени хўрлашади деб хавфсираманг.

Ахир азиз сайёрамиз бизни рангимизга қарамасдан бирдай яхши кўради.

Келинг, бир-биримизни ҳурмат қилиб яшайлик, бағрикенглик сўзи тириклар учундир.

(1- бошловчи): Агар биз бошқа одамлар дунёқарашига бағрикенглик билан муносабатда бўлганимизда, эҳтимол, можаролар камроқ бўлган бўлармиди. Биз, барчамиз, ўзига хос такрорланмас хусусиятларга эга инсонлар эканлигимизни тушунишимиз керак.

(2- бошловчи): 2005 йилда БМТ нинг собиқ бош котиби Кофи Аннан Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан йўллаган табригида муросасизликка қарши курашиш БМТ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаган. Бутун дунёда аҳоли сони ва миграциянинг ўсиши натижасида экстремизм ва ксенофобиянинг ортиши тобора кучаймоқда.

"Бағрикенглик" – бу инсонларнинг бир-бири ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши, бир-бирларининг урф-одатлари ва эътиқодларидаги энг яхши сифатларни аниқлаши"- дейди у ўз хабарида.

(1- бошловчи) Одамлар бир-бирларини шахс, ўзига хослигини мустақил белгиловчи шахс сифатида, диний ва маданий мансублигини ҳурмат қилиши керак ҳамда бошқаларнинг ўзига хослигидан нафратланмайдиган ўзига хослигини қадрловчи шахслар сифатида тушуниш лозим.

(2-бошловчи): Декларацияга биноан муросасизликнинг олдини олишнинг энг самарали усули тарбиядир. У одамларга уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари нимадан иборатлигини ўргатиш, бу хуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳамда бошқаларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш истагини рағбатлантиришдан бошланади.

(1-бошловчи): Аммо бағрикенглик фақат "бошқанинг" мавжудлигини тан олишни англатмайди. Бағрикенглик –бу "бошқанинг" ҳар қандай қабул қилувчи жамиятда ўзини қулай ҳис қилиш имкониятини билдиради. Масалан, ногиронларга нисбатан бағрикенглик нафақат инсон хуқуқлари тамойиллари

асосидаги тенгликни тан олиш эмас, балки муқобил эҳтиёжларга эга бўлган одамларнинг яшашлари учун қулай шароитни яратиш ҳамдир.

(2-бошловчи): Бағрикенглик, шунингдек, ҳар қандай маданий ва ижтимоий гурухларни қабул қилишни англатмайди. Нафрат, миллий, ирқий, диний бошқа ўзига хосликни тан олувчи сиёсий гурухлар бағрикенгликнинг обьекти бўла олмайди. Ҳатто шундай бир шиор мавжуд: "Ҳар қандай муросасизликка бағрикенглик қилмаслик керак!"

(1- бошловчи): Шу боис, нафакат бағрикенгликни тарбиялаш, балки миллий, ирқий, диний ва бошқа ҳолатдаги экстремизмнинг олдини олиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

(2- бошловчи): Бағрикенгликнинг асосий принциплариға қўйидагиларни киритиш мумкин:

- истисносиз барча одамларнинг инсоний қадр-қимматига ҳурмат;
- хилма-хилликни ҳурмат қилиш;
- индивидуал ўзига хослик, бетакрорликни тушуниш;
- фарқлиликнинг асосий белгиси сифатида бир-бирини тўлдириш;
- ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлар асоси сифатида ўзаро боғлиқлик;
- жаҳон маданияти;
- хотирани сақлаш.

(1- бошловчи) Бағрикенглик принциплари қаторига яна қўйидагиларни ҳам киритишади:

- инсонни бирор бир ғояга эришириш, аралаштиришнинг номақбул воситаси саналган зўравонликдан воз кечиши;
- ихтиёрий танлов;
- виждон эркинлиги;
- бошқаларни мажбурламасдан ўзини мажбурлаш малакаси.

(2- бошловчи) Кўркув ва ташқи томондан мажбурлаш бағрикенгликнинг шакланишига йўл бермайди. Тарбиявий омил сифатида муайян бир вақтда одамларни тартиб-интизомга солади ва шу орқали муайян хулқ-атворни шакллантиради.

(1- бошловчи) Кўпчилик ёки бир кишининг хоҳиш-иродасига эмас, балки қонунларга бўйсуниш ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Миллий, ирқий, маданий, диний ва бошқа белгилариға кўра фарқланиши мумкин бўлган бошқасини қабул қилиш "Олтин қоида" га мувофиқ

муносабатларни шакллантириш: "Бошқалар билан қандай муносабатда бўлсанг, сенга ҳам шундай муносабатда бўлишади".

(2- бошловчи) Бағрикенглик тамойиллари асосий хуқуқлар ва эркинликлар сифатида қонун хужжатлари билан мустаҳкамланган ҳамда халқаро декларацияларда эълон қилинган. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар халқаро пакти, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги пактлар асосий хужжатлар саналади.

(1- бошловчи) Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги эвропа конвенцияси Европа Кенгаши доирасида амал қиласи. Ирқчилик ва ирқий камситишнинг олдини олиш, ирқий камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Генотсид жиноятларининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция, Миллий ёки этник, диний ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг хуқуқлари тўғрисидаги декларация ва бошқа хужжатлар билан мустаҳкамланган.

(2- бошловчи) Ўзбекистон Республикасида бағрикенглик тушунчасининг асосий хужжати бу Конституциядир.

Асосий Конунимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, -деб таъкидланган.

12-моддага биноан: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади”.

(1- бошловчи) Жиноят кодексининг 156-моддаси "Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қўзғатиш" ирқчилик ва миллатчилик доирасида асосий деб тан олинган.

(2- бошловчи): Мамлакатимизда бағрикенглик масаласига бундай эътибор бежиз эмас, чунки бизнинг мамлакатимиз кўп миллатли. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўзбеклар билан бир қаторда қозоқлар, тоҷиклар, қирғизлар, туркманлар, руслар, корейслар, яхудийлар, арманлар, грузин ва бошқалар - 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди.

(1- бошловчи) Мамлакатимизда талабалар ва ўкувчилар эттита тилда олий ва ўрта маълумотга эга бўладилар. Телерадио компаниялар ва радио студияларимиз 10 тилда эшилтиришлар олиб боради. Телевидениеда Ўзбекистондаги турли миллат вакиллари ва уларнинг маданий марказлари ҳаётини ёритувчи маҳсус дастурлар мавжуд.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, бу эрда турли дин ва диний эътиқод вакиллари истиқомат қиласди.

(2-бошловчи) Мамлакатимиз ҳудудида яшовчи барча инсонлар тенг хуқуқли фуқаролардир. Бу эса мамлакатимиз тақдирига таъсир этувчи қарорларни алоҳида олинган бир миллат эмас, балки кўп миллатли халқ қабул қилиши кераклигини англатади, ахир унинг гуллаб-яшнаши ҳам айнан шунга боғлик. Биз бир-биримиз билан кўз илғайдиган ва илғамайдиган ришталар билан боғланганмиз, ҳаётимизни баҳтли, ҳар томонлама қулай, завқли, жўшқин қилишдан манфаатдормиз, тики келажак авлод нафақат анъаналаримизни давом эттирсин, балки бизнинг эзгулик улаша олишимиз ва ўзаро бағрикенглигимиз билан фахрлансин.

(1-бошловчи) Халқаро бағрикенглик кунида курраи заминдаги ҳар қандай одам маданий, ирқий ва диний мансублигидан қатъи назар алоҳида шахс эканлигини унутмаслиги керак. Атрофимиздаги инсонларни ҳурмат қилгандагина жамиятни уйғун ривожлантириш гарови нима эканлигини тушуниш осонроқ.

(2-бошловчи) Бағрикенгликнинг йўқлиги эса, аксинча, ўзаро ҳурматнинг барҳам топишига олиб келади ва салбий ижтимоий ҳодисаларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда, ягона давлат ва умуман бутун дунёда уйғунликнинг йўқолишига олиб келадиган жараённинг бошланиши муқаррар.

Афсуски, сўнгти ўн йил давомида инсониятга жуда кўп ёвузык, тажовуз ва бошқа ирқ, дин ва давлат вакилларига нисбатан тоқатсизликларни олиб келди. Халқаро бағрикенглик куни барчамизга зўравонлик, терроризм, экстремизм, этник ва диний таъқиб каби иллатларга XXI асрда ўрин йўқлигини эслатиб туради.

(1-бошловчи) "Ўзгаларни ҳурмат қилиш орқали, биз, авваламбор, ўзимизни ҳурмат қилган бўламиз" принципи дунёни яхши томонга ўзгартиришга қодир бўлган принципдир.

Халқаро бағрикенглик кунини нишонлай туриб, биз ҳаммамиз бир-биримизга нисбатан инсон бўлиб қолишимиз кераклигини яна бир бор эслатиш имконига эга бўламиз. Ўртамиздаги фарқлар эса бунга тўсиқ бўлмасин.

(2-бошловчи) Таникли франсуз ёзувчisi Антуан де Сент-Экзюпери бежизга шундай демаган: «Агар сизга ўхшамасам, бу билан мен сизни асло ҳақорат қилмайман, аксинча, мен сизга хайр-эҳсон қиласман». Унинг сўзлари, биз учун, XXI асрда яшовчи одамлар учун сабоқдир.

Иккинчи қисм.

(1-бошловчи) Байрам тадбиримизнинг азиз иштирокчилари, фестивалга тайёргарлик жараёнида иштирокчилар ўзлари томондан танлаб олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи миллат маданияти ҳақида маълумотлар тўплашган.

Фестивалимизнинг кейинги босқичини эълон қилишга ижозат беринг. Бунда йиғилган маълумотлар қуйидаги номинациялар бўйича тақдим этилади (тегишли номинациялар эълон қилинганда экранда номинация номлари намоён бўлади):

1. Миллий анъана ва удумлар.
2. Миллий либослар.
3. Миллий қўшиқ ва рақслар.
4. “Менинг бағрикенг дунёим” мавзусидаги энг яхши расм.
5. “Бағрикенглик менинг наздимда” мавзусидаги энг яхши иншо.

(2-бошловчи) Яхши, бу танлов дастури бўлганлиги сабабли, барча чиқишилар талабчан, аммо адолатли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади. Ҳайъат аъзолари билан таништиришга ижозат беринг.

1. _____ (факултет декани).
2. _____ (ёшлар масалалари бўйича декан ўринbosари).
3. _____ (кафедра мудири).
4. _____ (ўқитувчи).
5. _____ (ўқитувчи).

(1- бошловчи) Барча фестивал иштирокчилариға омадлар тилаймиз.

Азиз дўстлар, “Миллий анъана ва удумлар” деб номланган биринчи кўрик-танловимизни бошлаймиз.

Курслар бўйича чиқишилар (1-4). Танлов иштирокчилари миллий удумларни тасвирлайди ёки намойиши қиласидилар, шунингдек, ўз халқи анъаналари ҳақида гапириб берадилар.

Саҳнага ____ курс талабаларини таклиф қиласиз.

(2- бошловчи) Кейинги иштирокчиларимиз ____ курс талабаларини таклиф этамиз. Марҳамат, саҳна сизларга мунтазир.

(1- бошловчи) Раҳмат. Бу “Миллий анъана ва удумлар” номинатсияси бўйича сўнгги чиқишимиз эди. Энди ҳурматли ҳакамлар ҳайъатидан танлов иштирокчилари чиқишиларини баҳолашларини сўраймиз. Марҳамат.

Саҳнага биринчи бўлиб ____ курс вакиллари чиқишиди. Уларнинг баҳолари ___, ___, ___, ___, ____.

(2-бошловчи) Баҳолар учун раҳмат. Ҳакамлар ҳайъатидан баҳоларнинг ўртача йигиндисини эълон қилишларини сўраймиз.

баҳоларни умумлаштиради ва ўртача йигиндисини эълон қиласиди.

(1-бошловчи) Раҳмат. Азиз дўстлар, ана энди эса кўрик танловимизнинг навбатдаги шартига ўтамиз. Бу шарт “Миллий лиbosлар намойиши” деб номланади.

Курслар бўйича чиқишилар (1-4). Танлов иштирокчилари миллий лиbosлар ёки уларнинг ўзига хос элементларини намойиши қиласидилар. Лиbosлар намойиши мазкур маҳсулотнинг тарихи, рамзлари ва тайёрланиши усуллари ҳақидағи ҳикоялар билан уйғунликда олиб борилади.

Саҳнага ____ курс талабаларини таклиф қиласиз.

(2-бошловчи) Кейинги иштирокчиларимиз ____ курс талабаларини таклиф этамиз. Марҳамат, саҳнамиз сиз азизлар учун.

(1-бошловчи) Раҳмат. Бу “Миллий лиbosлар” номинацияси бўйича сўнгги чиқишимиз эди. Энди ҳурматли ҳакамлар ҳайъатидан танлов иштирокчилари чиқишиларини баҳолашларини сўраймиз. Марҳамат.

Саҳнага биринчи бўлиб ____ курс вакиллари чиқишиди. Уларнинг баҳолари ___, ___, ___, ___, ____.

(2-боилювчи) Баҳолар учун раҳмат. Ҳакамлар ҳайъатидан баҳоларнинг ўртача йиғиндисини эълон қилишларини сўраймиз.
баҳоларни умумлашириди ва ўртача йиғиндисини эълон қиласди.

(1-боилювчи) Ташаккур. Азиз дўстлар, кўрик-танловимизнинг кейинги босқичи “Миллий қўшиқ ва рақслар” деб номланади.

Курслар бўйича чиқишилар (1-4). Танлов иштирокчилари миллий тилда миллий қўшиқлар, фолклор асарларини ижро этишиади, шунингдек, миллий рақсларни намойши қилишиади.

Саҳнага ____ курс талабаларини таклиф қиласми.

(2-боилювчи) Кейинги иштирокчиларимиз ____ курс талабаларини таклиф этами. Марҳамат, саҳнамиз сиз азизлар учун.

(1-боилювчи) Ташаккур. Бу бизнинг “Миллий қўшиқлар ва рақслар” номинацияси бўйича сўнгги чиқишимиз эди.

Енди хурматли ҳакамлар ҳайъатидан танлов иштирокчиларимизнинг чиқишиларини баҳолашларини сўраймиз.

Марҳамат.

Саҳнага биринчи бўлиб ____ курс вакиллари чиқишиди. Уларнинг баҳолари __, __, __, __, __.

(2-боилювчи) Баҳолар учун раҳмат. Ҳакамлар ҳайъатидан баҳоларнинг ўртача йиғиндисини эълон қилишларини сўраймиз.
баҳоларни умумлашириди ва ўртача йиғиндисини эълон қиласди.

(1-боилювчи) Катта раҳмат. Азиз меҳмонлар, “Менинг бағрикенг дунёим” мавзусидаги “Энг яхши расм” деб номланган кейинги кўрик-танловимиз иштирокчилари ҳафта давомида ўзларининг тасаввур ва тушунчасидаги бағрикенг дунёни тасвирлашган. Ҳакамлар ҳайъати эса уларнинг ижодларини адолатли баҳолашга ҳаракат қилишган. Саҳнага мазкур кўрик-танловнинг барча иштирокчиларини ўз ижодий ишлари билан таклиф этишга, хурматли ҳакамлар ҳайъатидан эса ғолибларни аниқлаб беришларини сўраб қолишга ижозат берсангиз.

(2-боилювчи) Барча иштирокчиларимизга ташаккур деймиз. Кўрик-танлов ғолибларини эълон қилиш учун сўзни берамиз.

Кўрик-танлов ғолибларини ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан бири эълон қиласди.

(1-бошловчи) Катта рахмат. Мазкур танлов ғолибларини самимий қутлаймиз ва залда ўз ўринларини эгаллашларини сўраймиз. Энди эса кўрик-танловимизнинг “Бағрикенглик менинг наздимда” мавзусидаги “Енг яхши иншо” деб номланувчи охирги сахифасига ўтамиз.

(2-бошловчи) Кўрик-танловимизнинг ушбу турида аввалгиларидағи каби жорий хафтада иштирокчиларимиз бағрикенглик ҳақидаги ўз тушунчасини ёзма равишда баён этишга ҳаракат қилишган. Барча ёзма ишлар йиғиб олиниб, ўқитувчилар ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан баҳоланганд. Аминманки, ушбу кўрик-танловда иштирок этиш ижодий ишлар муаллифлари учун фойдали бўлди ва улар “бағрикенглик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини, унинг бугунги кунда нақадар зарурлигини чуқур англашди.

(1-бошловчи) Албатта, тадбирни мен билан бирга олиб борган ҳамроҳимнинг фикрига тўлиқ қўшиламан ва охирги номинация ғолибларини аниқлаш учун сўзни _____ га бераман.

Кўрик-танлов ғолибларини ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан бири эълон қиласди.

Учинчи қисм

(2-бошловчи) Ташаккур, хурматли _____. Энди эса байрамимизнинг энг қизиқарли ва ажойиб қисми – ғолибларни тақдирлаш маросимимизни бошлаймиз! Ғолибларга фахрий ёрлиқларни топшириш учун саҳнага хурматли ҳакамлар ҳайъатини таклиф этамиз.

Фахрий ёрлиқлар топширилади (эсдалик совғалари, мисол учун, биттадан китоб).

(1-бошловчи) Мана, азизлар, мақсади турли халқлар маданиятининг бир-бирини тўлдириб туришини ва бойитишини кўрсатишдан иборат бўлган бугунги ажойиб тадбир фестивалимиз ҳам ўз поёнига етмоқда. Тадбиримиз ниҳоясида барча халқлар бир-бири билан тинч-тотувликда, дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшashi кераклигини, зоро барчамизнинг илдизимиз бирлигини яна бир бор таъкидлаймиз.

(2-бошловчи) энг асосийси эса бугун биз атрофимиздаги оламнинг ранг-баранглигини кўрдик, бир-биrimизга ўхшамасакда, бизни бирлаштириб турувчи умумий жиҳатларимиз кўп.

(1-бошловчи) Биз фестивалнинг барча иштирокчиларига, залда бизни кузатиб ўтирганларга тинчлик ва баҳт тилаймиз.

(2-бошловчи) Хар биrimiz (ҳамма бир овозда) “Ўзбекистон-умумий уйимиз” эканлигини унутмаслигимиз керак. Фестивалимизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларимизга яна бир ташаккур деймиз! Кўришгунча, омон бўлинг деб қоламиз.

“Жон Ўзбекистон” қўшиги остида барча иштирокчилар саҳнага чиқадилар.шу билан тадбир якунланади.

“ЎЗБЕКИСТОН –БАГРИЕНГ ДИЁР” номли тадбир сценарийси

(Тадбир 16 ноябр “Халқаро бағриенглик куни” муносабати билан ўтказилади.)

Биринчи бошловчи:

*Саломдан бошланур ҳурмат эҳтиром,
Саломдир дунёда энг ширин калом.
Эй, азиз меҳмонлар, доно устозлар,
Аввало сизларга салом-ассалом!*

Иккинчи бошловчи: Ассалому алайкум, ҳурмат ва эҳтиром ила ушбу даргоҳга ташриф буюрган азиз меҳмонлар. Аввалимбор, бугунги тадбиримизга —Хуш келибсиз! деймиз.

Биринчи бошловчи: Ҳаммангизга маълумки, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессияси «Бағриенглик тамойиллари Декларатсияси»ни қабул қилган. Шу муносабат билан 16 ноябр «Халқаро бағриенглик куни» деб эълон қилинган.

Иккинчи бошловчи: Ўзбек халқи қадимдан меҳрибон, бир-бирига оқибатли, меҳмондўст, бағриенг халқ сифатида ажralиб туради.

Биринчи бошловчи: Дарҳақиқат, ўзбек халқи бағриенг халқ. Бугунги тадбиримизга Маянавият ва маърифат маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ходимларини ва ижтимоий таъминот идоралари вакилларини, диншунос олимларни таклиф

этганмиз. Келинг, сўзни «Мехр-шавқат ва саломатлик» жамғармаси ходимига берсак.

Ходим(а): — Мехр-мурувват тарихан таркиб топган тушунча, халқимизнинг дунёқараси, онгу-тафаккури ва феъл-аворининг уйғуналигидир. Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ — Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш түғрисидаги Қонун (1991 йил) қабул қилиниб, муҳтож одамларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-кувватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди. Шу ўринда хотин-қизлар, «Умидворлик» маркази, кўзи ожиз болалар ва кўриш қобилиятини тиклаш билан шуғулланаётган «Паноҳ шуъласи» жамғармаси, «Умр» маркази, «Криди» сингари ташкилотларнинг савобли ишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Алоҳида эътиборга эга болаларнинг қобилиятини ривожлантириш дастурида ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, «Болаларни қутқариш», «Мерси Прожект», «Оперейшен Месси», «Каунтерпарт Консорсиум», «Волд Консерн», «Болаларга табассум» ва бошқа шу каби халқаро ташкилотларнинг хайрли ишлари таҳсинга сазовордир.

(Шундан сўнг “Элим” қўшиғи янграйди).

Иккинчи бошловчи: Куръони Карим ва Ҳадиси шарифда меҳр ва мурувват ҳақида жуда кўплаб ибратли сўзлар битилган. Шу ҳақда гапириб бериш учун сўзни диншунос олимга берсак.

Олим: Куръонда 114 та сура ва 6232 та оят бўлиб, уларнинг асосий қисми шахсни меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш мақсадига қаратилган. Ҳар бир мусулмон инсон янги кунни ёки ҳар бир ишни «Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм» (Раҳмли ва меҳрибон Оллоҳ номи билан бошлайман) деб бошлайди. Бу эса ислом динининг асосий моҳиятида меҳр ва мурувват туйғуси мужассамлашганидан далолатdir. Ҳадисда ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдан ҳоли бўлмайди, дейилган. Шу ўринда барчангизни ислом дини никоби билан юрган террорчилар ва экстремистлардан огоҳ бўлишга чақираман. Ватанимиз, юртимиз тинчлигини сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

(*Ватан ҳақида қўшиқ*)

Биринчи бошловчи: Мехр-мурувват ва бағрикенглик бир-бирига яқин тушунчалардир. Бу икки тушунча бир-бирини инкор

қилмайди. Бугунги тадбириизда бағрикенглик ҳақида сўзлаб бериш учун навбатни Маънавият тарғибот маркази ходимиға берсак.

Ходим (а): Бағрикенглик ҳар бир давлат, жамият, ҳар бир дин, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари учун ғоят қимматли қадриятдир. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» да бағрикенглик тушунчасига тўртта атрофлича таъриф берилган. —Бағрикенглик, - дейилади унда, - бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади.

Бағрикенглик тамойилларига Ўзбекистонда қандай эътибор берилаётганлиги ҳақида шуни айтиш лозимки, ўзбек халқи қандай шароитда яшамасин, тарихан бағрикенгликни сақлаб қолган. 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган уруш йилларида собиқ иттифоқни душман вақтинча босиб олган жойлардан Ўзбекистонга келган оч ва ёрдамга муҳтож кишиларга бу ерлик халқлар ўз қалбини очиб жой берди, уларни меҳмондўстлик билан кутиб олди. Бу ўринда севимли шоир Faфур Ғуломнинг Ўзбекистонга келиб қолган ота-онасиз ёш болаларга атаб ёзган «Сен етим эмассан» шеъри ҳам ўзбеклар бағрикенглигининг яққол намунасидир.

(Шундан сўнг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” қўшиги янграйди).

Иккинчи бошловчи: Келинг, энди навбатни китобхонларимизга берсак. Улар бугунги тадбириизга шеърлар тайёрлаб келишган.

Биринчи китобхон:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир.

Ҳар кимки жаво қилса, жафо топқусидир.

Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Иккинчи китобхон:

“Ким агар кўнгил бузуқнинг хотирин шод айлагай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай”.

(Яъни, кимки ширин сўз билан кўнгли оғриган кишининг кўнглини кўтарса, бу вайрон бўлган Каъбани обод қилган билан баробардир).

Шундан сўнг кутубхона имкониятидан келиб чиққан ҳолда актёрлар ёки китобхонлар иштирокида ривоятлардан саҳна кўриниши намойши қилиши тавсия қилинади.

Иккала бошловчи даврага чиқади.

Биринчи бошловчи: Бугунги кунда ёрдамга муҳтож, меҳрибон, етим-есирларга моддий ва маънавий кўмак бериб келаётган саховатпеша инсонлар орамиздан қўплаб топилади.

Иккинчи бошловчи: Меҳрли, саховатли кишиларга ҳамиша омад кулиб боқаверади.

Биринчи бошловчи: Келинглар, барчамиз инсон бўлиб дунёга келган эканмиз, инсондай яшайлик, бир-биримизга ҳамиша меҳрли, оқибатли бўлайлик.

Иккинчи бошловчи: эътиборингиз учун раҳмат.

ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР. мавзусидаги тадбир сценарийси

Тадбир Ватан ҳақидаги қўшиқ билан бошланади

Йигит: Ватан.... Не-не азиз инсонлар вояга этган, унинг порлок истиқболи, фазлу-камоли учун жон видо этган замин. Эл борки, Ватан бор – Ватан борки, эл бор. Элсиз Ватан биёбон. Ватансиз эл – дарбадар. Шунинг учун қадимдан элим дея Ватани эъзоз этганлар, эл дарди билан яшаган кишиларни Ватанпарвар деб ардоқлашган. Шубҳасиз, Ватан тушунчаси турлича талқин этиб келинган. Лекин Турон замин фарзандлари, Мовароуннахр авлодлари учун Ватан сўзи чуқур маъно касб этган.

Ватан тарихи – моддий ва маънавий мерос. Моддий мерос сифатида у биз учун ризқу-рўзимиз, маконимиз бўлган замон. Маънавий мерос сифатида у бизнинг фазлу-камолимиз, олам анжуманида айтган сўзимиз, ўз бойликлари талангандар давлат.

Қиз: Эмишки, инсон янги туғилган чақалоқ, ҳали дунёга келмай туриб само билан боғланар экан. Оллоҳ гўдакка фақат қўл-оёқ бериб қолмай, юрагига ҳис туйғуни жо этади. Шу туйғу бор экан, биз мағриб билан машриқни, киндик қони тўкилган юрт билан, бегона мамлакатни фарқлаймиз. Ватанин севмоқ иймондандир дейилади ҳадис шарифда. Биз ҳар қарич заминини эъзозлайдиган она-Ватан бу Ўзбекистондир. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ватан ва ватанпарварлик тушунчаси мустақиллик ва озодлик, эрк ва адолат ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир.

Йигит: Ватан тушунчаси миллий ифтихор туйғуси бугун шунинг учун устиворки, мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз қайта тикланди ва моддий бойликларимизга әгалик ҳуқуқини кўлга киритдик.

Қиз: Ватан мавҳум тушунча эмас. Ватанни севмоқ – унинг ўтмишини чуқур билмоқ, йиллар давомида шаклланган миллий, умуминсоний қадриятларни қадрламоқ, табиатни пок тутмоқ табобат олами-ю, ҳайвонот дунёсини асрамоқ, комил инсон бўлиб вояга этмоқ керак.

*Ҳазин шоиралар ўқийди нуқул,
Ситамлар фалакнинг сатрларини.
Ўртанаар Увайсий доғ кўнгил,
Инжулар Нодира хотираларини.*

Йигит: Тафаккуримизда Фаробийлар донишмандлиги, томирларимизда Тўмарис ва Амир Темур қони, туйғумизда Широқ ва Жалолиддин Мангуберди ватанпарварлиги, онгимизда Яссавий ва Нақшбанд таълимоти мавж уриб турибди. Минг йиллар давомида авлодлардан-авлодларга сингиб келаётган бу ботиний маънавиятни ҳеч бир мустабид элимиз қалбидан юлиб ололмайди. Зиёни дуд тўса олмаганидек, зулматларни парчалаб, Ватанимиз узра истиқлол қуёши порлади.

Қиз: Инсонни яратган Оллоҳ, унинг толеига яраша Ватан ҳам бергандир. Зеро, Ватансиз миллат, миллатсиз Ватан бўлмайди. Биз ўзбекларга эса Ўзбекистон тупроғи насиб этган.

*Олис Хуросондан Туркистон қадар,
Ўзбеклар – сочилган бир гавҳардир.*

Йигит: Мустақил Ўзбекистон ўз байроғи, тупроғи, бош қомуси, мадҳиясига эга бўлди. Мустақил мамлакатимиз ҳаётида бу янгиланишлар даври бўлиб тарих солномасидан ўрин олмоқда. Ўзбекистон обрў-эътибори ортиб, жаҳон уни Марказий Осиёнинг тинчликсевар, миллий иқтисодий тараққиёт йўлидан бораётган, келажаги буюк давлат сифатида кашф этаётир. Ўзбек халқи – улуғ халқ. Турондаги энг буюк миллат.

*“Қаерда бўлсак қонун ҳукмрон, -
Эркинлик шу эрда”, - дер Темур бобом.
Қонун – кўз, қонун сўз, у – қалқон, посбон,
Унда ардоқланар инсон деган ном.*

(саҳнага буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Увайсий ҳамда Нодира ташриф буюрадилар)

Амир Темур: Биз кимки Турон, амири Туркистонмиз. Биз ким – милатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз. *Дунё топдим, лекин дунё йигмадим.*

*Мен эл учун от устида ухладим,
Наҳот энди ўз қабримга сизмадим.*

Аҳмад Яссавий: *Менинг ҳикматларим ошикқа айтинг
Дили ойнадек содиққа айтинг.*

Алишер Навоий:

*Бу гулсан ичраки йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яшилик била қолса от.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

*Бормоққа не маскан мұяссар,
Турмоққа не давлат мұхаррар.*

Увайсий: *Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса ошно Увайсийман.*

Истадим бу оламни топмадим вафо аҳли.

Нодира: *Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат, бўлди вайрон оқибат.*

Қиз: Тадбиримизнинг азиз қатнашчилари! Буюк сиймоларимиз рухларини ёд этиб, уларнинг ҳақларига дуои салом йўллашимизга ижозат берсангизлар:

(тиловат қилинади)

Йигит: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ватанпарварлик этакчи ўрин эгаллайди. Ватани ташлаб Андижондан чиқиб кетади. 14 йил Андижонга қайтишни умид қиласди. Бироқ баҳт қулиб боқмайди. Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлади. 19 ёёда Қобулни, 40 ёда Ҳиндистонни қўлга киритади. Лекин тез-тез Ватани қўмсайди, она юртига одам юбориб, хабар олдиради. Шоир ватандан узокда яшашни чексиз оғир эканини уқтиради. Ватандан узокда, ғариблиқда кишининг кўнгли шод бўлмайди. Ватани соғиниб ғурбатда яшаётган киши дўстларини ёд этса ҳам, дўстлари уни ёд этмайди. Бобурнинг бу хулосаси катта тарбиявий аҳамиятга эга. —Ўзга юртнинг подшоси бўлгунча, ўз юртингнинг гадоси бўл деган мақолга ҳамоҳангдир.

Киз: Бобур ер ўпид туриб хурмат билан илтимосимни адо эт, дейди. Бу байтларни ўқир эканмиз, Ватан тенгсиз гўзал, Ватан тенгсиз мағрур, эгилмайдиган ғурурли, доимо тикка турувчи дарахтдай дунёга кўрк бағишлийди, деган тўла маънодаги чексиз муҳаббат рамзига эга бўламиз. Бобур асарларини вараклар эканмиз, унинг саҳифаларида Ватанни жону дилдан севишни тараннум этади. Бу хил сатрлар, шубҳасиз ўқувчи ёшлар дилида Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялади.

Йигит: Бобур ватанини қўмсайди, ёру-дўстларини соғинади. Кунлардан бирида унга Фарғонадан қовун келтирганларида у қовунни сўйиб туриб аччиқ йиглайди.

—БОҒИ БОБУРИЙ ҳикоятининг саҳналаштирилган режаси

ОВОЗ: Фалакнинг гардиши билан Мирзо Бобур Ҳиндистон деган юртга бориб қолиб, у ернинг подшоси бўлибди. Ҳиндистон боғроғи кўп, мева-чевага бой юрт экан. Бобуршоҳ мендан ёдгорлик қолсин деб, Ҳиндистоннинг кўркам жойига бир боғ барпо эттирибди. Дунёдаги бу энг катта боқقا турли нихоллар хуллас оламда мевали дарахт ва гуллар борки, ҳаммасидан олиб келиб кўкартирибди. Дунёга донғи кетган бу боқقا —Боғи Бобурий деб ном қўйибди. Бобуршоҳ қовунни яхши кўтарар экан, аммо боғида ҳандалак билан қовун битмабди. Кунлардан бир куни у вазирни чақиртиради.

Бобур: Менга боғбонни чорланг.

Вазир: Бош устига амирзодам.

ОВОЗ: Бир оздан сўнг саройга боғбон келибди.

Бобур: Бу йил қовун —Боғи Бобурийда битмаса ҳаммангни жазоингни бераман.

ОВОЗ: Нима қилишини билмай боғбонларнинг боши қотибди. Охири ўйлаб-ўйлаб шоҳга билдиримай узоқ Фарғонадан қовун олиб келишга аҳд қилишибди. Бобуршоҳ бир неча кунга шикорга кетибди. Шу пайт боғбонларнинг бошлиғи ҳам ўн бир кишини ёнига олиб Фарғона вилоятининг Наманган шаҳрига этиб борибди. Карвон, от-араваларга қовун ортиб Ҳиндистонга этиб келибди. Бобуршоҳ уларнинг Фарғонага борганидан бехабар экан.

Ёд этмас эмиши кишини гурбатда киши,

Шод этмас эмиши кўнгилни меҳнатда киши.

Кўнглум бу гарифликда шод ўлмади оҳ,

Гурбатда севинмас эмиши, албатта киши.

Вазир: Ҳузурингизга боғбон ташриф буюрдилар.

Бобур: Кирсин.

Вазир: Бош устига.

ОВОЗ: Боғбон қовунни олиб киради, Бобуршоҳ қовунни ҳидлаб сўрайди.

Бобур: Бу қовун қаерда битган?

Боғбон: —Боги Бобурийда ҳазратим.

Бобур: Йўқ.... Ҳиди бошқача. Бундай ҳидли қовун бу эрларда битмайди. Фақат бир ўлкада етишади холос. Сен мени алдаяпсан.

Боғбон: Алдаган бўлсам билганингизни қилинг, шоҳим. Бу қовун —Боги Бобурийда битган.

ОВОЗ: Шоҳ қовунни ҳидлаб маст бўлиб, уни сўймоқчи бўлибди.

Бобур: Ёлғон гапирибсан, қовунни қаердан келтирганингни очик-ойдин айтасан, қаҳрим қаттиқлигидан қўрқмайсанми?

Боғбон: Олий ҳазрат алдаётган бўлсам бошимни танамдан жудо қилинг, майли мен розиман.

Бобур: Бундай тил ёар қовун бу эрларда битмайди. Тўғрисини айтсанг гуноҳингдан кечаман. Борди-ю, мени алдаб яна ёлғон гапирадиган бўлсанг, бошингни танангдан жудо қиласман.

ОВОЗ: Бобуршоҳни алдаб бўлмаслигини билган боғбон ростини айтишга мажбур бўлибди.

Боғбон: Намангандан шахридан келтирдик, шоҳим шундай қовун сиз айтганингиздек фақат ўша ерларда битади. Намангандан шакарпалаги дегани шу. Шоҳим энди нима қилсангиз ихтиёр ўзингизда. Аммо ўлимим олдидан бир сўровимга жавоб беришингизни истайман.

Бобур: Сўра сўровингни.

Боғбон: Қовун бу эрда етилмаганлигини қандай билдингиз?

Бобур: Ҳиди, пичоқ тегар-тегмай ёрилиб кетиши ва тилни ёар ширинлигидан она юртим қовуни эканлигини англадим. Раҳматлик ота-онам боғидаги полизда шундай шакарпалак кўп бўларди. Узок Ҳинд ортида туриб шакарпалак билан сийлаганинг учун гуноҳкор бўлмай, инъом эҳсонларга лойиксан.

ОВОЗ: Бобур вазирни чақиртириб, унга сарпо этишни буюрди.

Бобур: Толе йўқлиги жонимга балолиғ бўлди,

Ҳар ишиники айладим хатолиғ бўлди.

Ўз эрни қўйиб, ҳинд сари юзландим,

Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

КИТОБ – МЎҖИЗАГА ЧОРЛАЙДИ. мавзусидаги тадбир сценарийси

Тадбир қуидаги шароитда ўтказилади: хона ёки зал шиорлар, ўқиши ва илмга чорловчи плакатлар билан безатилади. Китоб кўргазмаси ташкил этилади.

Олиб борувчи: Ассалому алайкум ҳурматли меҳмонлар! Хуш келибсизлар. Мен сизларни ахборот-ресурс марказимизда кўриб турганимдан жуда мамнунман. Биласизларки, ЮНЕСКО томонидан 23 апрел —Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни деб белгиланган. Ушбу кун 1995 йилдан бери нишонланади. Бизнинг ахборот-ресурс (ахборот-кутуб- хона) маркази ҳам бугун «Китоб – мўҷизага чорлайди” номли тадбирни тайёрлаган. Унда ўқув-юртимизнинг бир гуруҳ талабалари иштирок этадилар. Уларнинг чиқишлари сизларга манзур бўлади, деб умид қиласман ва илк навбатникурс талабаларига бераман. Марҳамат.

1-талаба: Китоб – офтоб. Заминни, она табиатни офтоб иситса, одам қалбини китоб илитади, нафақат илитади, балки ёритади, нурлантиради. Китобга энг қисқа таъриф бериш жоиз бўлса, уни маънавият қуёши деб таърифлаш ўринлидир. Яъни, қуёш бўлмаса оламнинг, табиатнинг, ҳаттоқи ҳаётнинг бўлиши шубҳа остида қолади, китоб бўлмаса, маънавиятнинг ривожланиши ҳам мавҳум бир фикр бўлиб қолаверади.

Кенгроқ мушоҳада юритадиган бўлсақ, миллат баркамоллиги, Ватан тараққиёти элнинг китобхонлик даражасига, яъни ўқимишлилигига боғлиқ. Истиқлолдан сўнг мустақил мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва бевосита эътибори туфайли соғлом авлодни тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнат жамоаларида спорт-соғломлаштириш иншоотлари, теннис майдончалари барпо этилди. Бироқ соғлом авлод деганда фақатгина жисмонан бақувват инсоннигина тушуниш масалага бирёқлама ёндошиш бўлур эди. Авлод баркамоллиги унинг маънавий камолотига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ана шуни назарда тутсак, ўшандай

бинолар ёнида китоб дўконлари, кутубхоналар қад ростласа нур устига аъло нур бўлар эди.

2-талаба: *Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур оби ҳаёт,
Қадрини билган кишига шубҳасиз жондир китоб.
Кўзнинг нури, дил сурури дилларнинг дармонидир,
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитобондир китоб.
Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим қиммат яроғ,
Тийри ваҳшат ханжари зиллатга қалқондир
китоб.*

*Ҳар киши ёшликда қилса вақтида гайрат агар,
Тез замонда оиндо бўлмоги осондир китоб.*

3-талаба: Ўкувчилар қалбida юксак маънавиятни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёсdir. Китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи восита. “Китобсиз хонадон жаҳолатга ўхшайди”, деган экан бир донишманд. Лекин тўғри келган китобни ўқиши ҳам ярамайди. Чунки бунинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, инсоннинг умри барча китобларни ўқишига этмайди. Бундан ташқари, дуч келган асарни ўқиб кетавериш кишининг савиясига, унинг дунёқарашининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

2-талаба: *Илм қалити – китоб,
Гар ўқисанг бобма-боб,
Ўрганиб бор билимни,
Очар баҳри дилингни.
Сафарга чиққан чогинг,
У энг яқин ўртозинг.
Оиндо бўлсанг китобга,
Юксаласан офтобга.*

4-талаба: Инсон табиати, феъл-атвори, руҳиятига мос нарсаларга қизиқади. Кимдир тарихий китобларга қизиқса, кимдир фалсафий романларни ўқииди, кимдир саргузашт асарларни ёқтиrsa, яна кимдир ҳажвий асарлар ихлосманди. Яна бир бошқа одам эса шеърият шайдоси бўлади. Шунингдек, китобларнинг даврийлиги улар учун муҳимдир. Масалан, мумтоз-анъанавий, замонавий адабиёт намуналарининг

ихлосмандлари ҳам ўзига яраша топилади. Одамнинг ўқиётган китобига қараб ҳам унинг мақсад ва интилишлари, феъл-автори, кайфиятини аниқлаш мумкин. Шу маънода унга ана шу қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда китоб ўқишни тавсия қилиш мумкин.

2-талаба: *Кишилар савдоси бошимдан йироқ
эрта-кеч бўлмишам китобга ўртоқ*

5-талаба: Биласизларми, машхур киноактёр қунг-фу устаси Брюс Ли китоб мутолаа қилишни жудаям яхши кўрар, уларга ғояларнинг сарчашмаси деб қараган экан. Брюс Лининг кутубхонасида фалсафий китоблар ҳар қандай американлик файласуфнинг китобларидан-да кўп бўлган. Уни қўпинча Хитой дао-монахларининг кураш жараёни акс эттирилган суратлар дунёсига ғарқ бўлиб ўтириши, оғир ўйларга чўмиб шеър ёзаётган ёки таржима қилаётганини кўриш мумкин эди.

6-талаба: Ўкувчиларнинг китоб ўқишига бўлган ҳаваслари оиладан бошланади. Ота-боболаримиз хонадонларида Машраб, Навоий, Бедил ва бошқа шоирларимизнинг асарларини мароқ билан ўқишиган. Фарзандлари китобхонлик давраларида иштирок этишиган. Натижада уларда китоб ўқишига ҳавас уйғонган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасалари фаолияти билан танишган Н.Ханиковнинг гувоҳлик беришича, мадрасанинг тўлиқ курсини ўқиб тугатиш учун толиб тахминан 137 та китоб ўқиши талаб этилган экан.

7-талаба: Билим манбаи бўлган китобни севиш ва ўқиши учун уни танлай олиш ва ўқиши маданиятини билиш керак. Китоб ўқиши маданиятига китоб харид этиш ва кутубхонани муентазам бойитиб боришига алоҳида эътибор билан қараш, китоб сақлаш одоби, ўқиши жараёни, ўқиганни ўзига ва ҳаётга татбиқ этиш, билиш каби яна ўнлаб масалалар киради.

2-талаба: *Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Гамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради тақрор.*

8-талаба: Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъмин- лашни

ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ёшлар ўртасида китобхонликни юксалтириш учун мана шундай ғамхўрлик зарур эди. Бу ўз вақтида чиқсан қарор, эртага ўз самарасини бериши шубҳасизdir.

9-талаба: Биз талабалар эса ўз навбатида кутубхоналаримизни турли жанрдаги адабиётлар билан бойитишимиз мумкин. Бунинг учун ҳар бир талаба ўз ихтиёри билан биттадан китоб олиб келиб топширса, кутубхона 20-30 дона китоб билан қўшимча равишда бойийди. Натижада 1 дона китоб олиб борган талаба яна 20-30 дона янги китоб ўқиш имкониятига эга бўлади. Бу ишга ҳомийларни ҳам жалб этиш мумкин. Фарзандлари камолини, юрт келажагини, Ватан равнақини ўйлайдиган саховатпеша инсонларнинг бу ишда фаол иштирок этиши катта савоб деб ўйлаймиз.

10-талаба: Аммо, ҳозирги кунда ранг-баранг воқеа ва ҳодисаларга бой фильмлар, саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа воситалар – телевизор, компьютер, Интернетнинг таъсири кучаймоқда. Одам китоб ўқимаса, диванга ётволиб кунига ўн соатлаб FM радиосини тинглайдими, ё икки-учта телесериал кўрадими бошининг гаранг бўлгани қолади. Телевизор, радио ҳеч қачон китобнинг ўрнини боса олмайди. Ўқиш ва унинг орқасида келадиган заковат мамлакатни дунёга танитишдан ҳам зарурроқ бўлган нарсага – маърифатга йўл очади. Маърифатли, яъни маънавияти юксак ва билими теран бўлган кадрлар юртни фаровон қиласи, мамлакат тараққиётини тезлаштиради. Чинакам билимни эса китоб ўқимасдан туриб эгаллаш асло мумкин эмас. Шундай экан “Ҳар доим бўлсин китоб” деймиз (*барча талабалар ушибу хитобни баланд овозда айтадилар*).

Талабаларнинг чиқиши тугагандан сўнг навбат мусиқага берилади (*қўшиқ ёки рақс ижро этилиши мумкин*).

Мусиқа тугагач бир неча талаба сахнага чиқиб доноларнинг китоб ҳақидаги фикрларини айтиб беради. Ушбу чиқиш якунлангач, бошловчи 2 ой давомида АРМга фаол қатнаган китобхонни даврага таклиф этади ва унга эсадалик совғаларини: китоблар, ўқув қуролларини тақдим этади.

Сўнгра бошловчи меҳмонларга, талабаларга ва барча томошабинларга доимо китоб билан ҳамроҳ бўлишларида яхши тилаклар билдириб, тадбирни ёпиқ деб эълон қиласи.

1 – октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар қуни” муносабати билан “Ўқитувчи ва мураббийлар миллат фидоийлари” номли тадбир СЦЕНАРИЙСИ

(Саҳна байрамона безатилган, тадбирга доир шиорлар ва баннерлар илинган, чақириқ садолари остида бошловчилар кириб келади)

1 – бошловчи: Ассалом сизларга муҳтарам зотлар,
Ташриф учун раҳмат, кўнглимиз шодлар.
Бу дамлар ғанимат, дийдор ғанимат,
Сўзимиз бошлашга этингиз рухсат.

2 – бошловчи: Зулматни ёритган чироқ ўзингиз
Эзгуликка чорлаган устоз сўзингиз
Жамиятда муносиб ўрин олгайдир
Сиз тарбия этган ўғил-қизингиз

1 – бошловчи: Ассалому алейкум қалби қайнок, меҳри уммон, шарафли лекин мashaққатли касб эгалари, азиз устоз ва мураббийлар!

2 – бошловчи: Ассалому алейкум ҳурматли меҳмонлар, қадрли ёшлар ва тадбиримиз сабабчилари бўлган, фидоий касб эгалари бўлмиш ўқитувчиларимиз!

1 – бошловчи: Барча устозларимизни 1 – октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар қуни” билан чин юракдан самимий муборакбод этамиз.

2 – бошловчи: Бу сананинг дам олиш қуни деб эълон қилиниши барча ўқитувчи ва мураббийлар билан бир қаторда кенг жамоатчиликни ҳам мамнун этди. Ҳақиқатдан ҳам ҳеч бир давлатда биздагидек ўқитувчи ва мураббийлар қуни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмайди.

1 – бошловчи: Зеро, мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиз азиз устозларимизга йўллаган байрам табригида ҳам шундай сўзлар мужассам: “Бугун шудай қутлуғ айёмни мамлакатимизда кенг нишонлар эканмиз, биринчи навбатда қадрдон таълим муассасамиз, бизни илм олишга чорлаган, эзгулиқдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймоси кўз олдимда намоён бўлади. Биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган сизлар каби азиз ва мўътабар зотлар шаънига энг гўзал сўзлар, эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. Сизларнинг барчангизга ҳеч қачон узиб

бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиласиз....”дэя таъкидлаб ўтилган.

2 – бошловчи: Доно халқимиз таъбири билан айтганда: “Сен одамларга яхшилик қилмоқчи бўлсанг – буғдой эк, ўн йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг – ток экиб боғ қил, умр бўйи яхшилик қилмоқчи бўлсанг – муаллимлик қил” дейилган.

1 – бошловчи: 1 – октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан “Ўқитувчи ва мураббийлар миллат фидоийлари” номли маданий-маърифий тадбирда сизлар билан кўришиб турганимиздан ғоят мамнунмиз.

(*Сарвара ва Рухшона чиқиши – фон музыка “Голубой вагон”*)

Рухшона: Сарвара... ҳооий Сарвара....

Сарвара: Вооий... бу ернинг байрамоналигини қара, меҳмонларнинг кўплигиничи....

Рухшона: Ҳмм, тўғри айтасан... Бу ерда қандай шодиёна ўзи ааа?!

Сарвара: Ака – опалар бугун қандай байрам? Туғилган кунми...?

Мен байрамларни жуддаям яхши кораман...

Рухшона: Кимнинг байрами экан ааа?!

Ҳамма: Устозларнинг....

Сарвара: Урреее.... демак, бугун байрам қиласиз, табрикларни қабул қиласиз ва совгалар оламиз....

Рухшона: Бўлди, бўлди... тўғри топтинг кираверишда кўрдим, жуддаям кўп меҳмонлар устозларимизни табриклишга келишипти...

Сарвара: Унда биринчи табриковчи меҳмонни мееен танлайман....

(*Фон қўшиги овози баланд кучайтирилади ва Сарвара, Рухшона саҳнадан пастга тушиб меҳмон, профессор ва деканни қўлидан ушлаб саҳнага олиб чиқади – саҳна ортидан сўзга чиққанлар бошловчилар томонидан эълон қилинади*)

1–бошловчи: Табрик учун сўз га!

(*Табрик сўзи – декан, профессор, меҳмон*)

2 – бошловчи: Эзгу ва самими тилакларингиз учун ташаккур!

1 – бошловчи: Саҳнани тарқ этмаслигингизни сўраймиз. Сабаби, ўқитувчи ва мураббийларимизга юксак эҳтиром кўрсатиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб бориш, муносиб рағбатлантириш ҳам бугунги тадбиримизнинг асосий мазмун

моҳияти ҳисобланади. Уларни шаҳар ҳокимининг ўринбосари ташаккурномаси билан тақдирлашни жоиз деб билдик, марҳамат тақдирлаш маросимини бошласак.

(Тақдирлаш маросими)

1 – бошловчи: Бугун устозларимиз тўғрисида қанча гапирсак шунча оз. Жонажон Ўзбекистонимизда ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилаётган, давлат ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этаётган азиз устозларимиз билан том маънода фахрлансак арзийди.

2 – бошловчи: Гулдурос олқишиларингиз остида яна бир бор устозларимизни табриклаб қўямиз.

1 – бошловчи: Кўп куттирмайликда гуруҳларимиз томонидан тайёрланган байрам дастурини эътиборингизга ҳавола этамиз.

2 – бошловчи: Марҳамат!

(Концерт дастури)

1. Шеър – талабалар томонидан (*орқа фонда проекторда ўқитувчиларининг фаолияти ёритилган ролик кетади;*)
2. “Поппури” – рақс гуруҳлари иштирокида ;
3. Миллий рақс – талабалар иштирокида;
4. Қўшиқ – “Баркамол авлод”;
5. Созлар сехри – скрипка чолғусида ;
6. рақс – “Бухорча” ;
7. Қўшиқ - “Устозлар”;
8. Рақс - “Хоразмча”;
9. “Устоз ва мураббий” шеъри - талабалар бир нечта касб эгалари кўринишида;
10. ФИНАЛЬ – “Жон Ўзбекистон” ҳамма биргаликда.

1 – бошловчи: Азиз ва муҳтарам устозлар, мураббийлар! Фан боғининг боғбони бўлиб, зиё боғида етиштираётган ниҳолларингиз камолини кўришдек саодат барчангизга насиб этсин.

2 – бошловчи: Муҳтарам устозлар ва мураббийларимизга байрам яна бир карра муборак бўлсин!

1 – бошловчи: Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, келажагимиз фаровон булсин!

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Узлуксиз таълим тизимида маънавий-маърифий тарбиянинг роли	7
Маънавий – маърифий тадбирлар.	24
Маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш вазифалари.....	47
Иловалар	61

Сарвиноз Самадова

МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

(ўқув-услубий қўлланма)

Muharrir:

G'.Murodov

Texnik muharrir:

G.Samiyeva

Musahhih:

A.Qalandarov

Sahifalovchi:

M.Ortiqova

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 15.06.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Cambria» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 6.0. Adadi 100. Buyurtma №82.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45